

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқукида

УДК:33С

ДАВРОНОВ МАНСУР ЭШБОЕВИЧ

**“ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ
ИНҚИРОЗИДАН СЎНГГИГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ
ПРОГНОЗЛАШ”**

5А 231102 – “Ташқи иқтисодий фаолият” мутахассислиги бўйича
Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

О.Исаев

Тошкент - 2013

МУНДАРЖА

	КИРИШ	3
I БОБ	Ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги истиқболли йўналишларини прогнозлашнинг илмий-назарий асослари	8
1.1.	Ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишлари ва тузилиши	8
1.2.	Ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишларини прогнозлашнинг илмий ва услубий асослари.	23
	I боб бўйича хулосалар	33
II БОБ	Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнгги ҳолати	34
2.1.	Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги ҳолати таҳлили	34
2.2.	Республика ташқи иқтисодий фаолиятига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтиришнинг чора-тадбирлари ва натижалари	46
	II боб бўйича хулосалар	56
III БОБ	Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнгги истиқболли йўналишларини прогнозлашнинг асосий йўллари	57
3.1.	Ташқи иқтисодий фаолиятни прогнозлашнинг жаҳон тажрибалари ва улардан Республикада фойдаланиш имкониятлари	57
3.2.	Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнгги истиқболлини белгилаш	65
3.3.	Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишларини прогнозлашни такомиллаштириш	76
	III боб бўйича хулосалар	86
	Хулоса ва таклифлар.....	87
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	92
	Иловалар.....	98

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Маълумки, Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистоннинг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини муҳокама этиш ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини тасдиқлаб олишдан иборат бўлган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида сўзлаган маърузасида ўтган йилда эришилган ютуқ ва натижалар тўғрисида тўхталар экан, “...авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади”¹, деб эътироф этди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келган ва бугунги кунда сақланиб қолаётган жиддий муаммолар Ўзбекистон иқтисодиёти учун яна бир синовга айланди. Бу ҳақда фикр юритилганда, энг аввало ўзининг салбий оқибатлари билан дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таҳдид солиб келаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозни тилга олиш ўринлидир.

¹Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2013 йил, 5-бет.

Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш борасидаги энг муҳим вазифа мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларни экспорт қилиш йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқларни олиб ташлаш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан имтиёз ва қулайликлар яратиш, шунингдек, ҳозирги кескин халқаро рақобат шароитида ўз маҳсулотларини хорижга сотаётган ишлаб чиқарувчиларимиз экспортини кредитлаш ҳамда суғурталаш механизмларини жорий этиш масаласини ҳал этишдан иборат. Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши мамлакатимизнинг кун сайин юксалиб бораётган экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, халқаро иқтисодий майдонда рўй бераётган ўзгаришларга нисбатан ўзимизнинг мустақил иқтисодий сиёсатимизни юритиш учун тегишли шарт-шароит ва моддий асос яратади. Шу нуқтаи-назардан бугунги кунда танланган мавзу долзарблиги билан ажралиб туради.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги истиқболли йўналишларини прогнозлашнинг илмий-назарий, методологик асослари Президент И.А. Каримовнинг асарларида ҳар томонлама асослаб берилган. Улар экспорт салоҳияти бўйича давлат сиёсати, устивор йуналишлари, мамлакат ҳаётида ташқи иқтисодий фаолиятнинг сиёсий аҳамияти ва роли масалаларига бағишланган.

Мамлакатда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, уни истиқболларини прогнозлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар А.Эльянов, Анн Харрисон, М.Портер, Н.Питер, Линдерт, Н.А.Миклашевская, А.В.Холопов А.П.Киреев, каби хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасида бир қатор иқтисодчи олимлар, жумладан С.С.Ғуломов, М.Шарифхўжаев, А.Ш. Бекмурадов, Н.Тўхлиев, А.Расулов,

А.Ўлмасов, А.Раззоқов, Р.Алимов, Б.Маҳмудов, Г.Назарова,
Н.Сирождиновлар²нинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу магистрлик диссертация ишин ёзишдан мақсад ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги истиқболли йўналишларини прогнозлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилган ва ҳал этилган:

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишлари ва тузилиши ўрганиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишларини прогнозлашнинг илмий ва услубий асослари ўрганиш.
- мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги ҳолати таҳлил қилиш;
- республика ташқи иқтисодий фаолиятига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтиришнинг чора-тадбирлари ўрганиш ва натижаларини аниқлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни прогнозлашнинг жаҳон тажрибаларини ўрганиш ва улардан Республикада фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнгги истиқболини белгилашни ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишларини прогнозлашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсилар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Республикамизда корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда асосий аҳамиятга эга бўлиб бораётган реал сектор корхоналари тадқиқот объекти сифатида олинди.

Тадқиқот услубиёти ва услублари. Мавзунинг назарий томонини ёритишда Ўзбекистонда ва Россияда чоп этилган адабиётлардан фойдаланиб,

² Юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари ва мақолаларидан фойдаланилган.

уларнинг муаллифлари фикрлари ўрганиб чиқилди. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги истиқболли йўналишларини прогнозлаш ва уни такомиллаштириш учун мавжуд шарт-шароитларни ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларидан ва амалдаги қонун ҳужжатларидан фойдаланилди. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги ҳолатини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва интернет маълумотларидан фойдаланилди.

Ушбу диссертацияда изланишлар бўйича қилинган тақлифлар ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган ва кенг фойдаланиладиган назарий ва амалий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қилинган.

Хулоса ва тақлифлар ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, прогнозлаш ва уларни такомиллаштириш орқали иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги истиқболли йўналишларини прогнозлаш борасидаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш йўллари бўйича тақлиф ва тавсиялар тизими ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси қуйидагилардан иборат:

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг моҳияти ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ўрганилди;
- ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишлари ва тузилиши ўрганилди;
- ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишларини прогнозлашнинг илмий ва услубий асослари ўрганилди.
- мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги ҳолати таҳлил қилинди;

- республика ташқи иқтисодий фаолиятига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтиришнинг чора-тадбирлари ўрганиш ва натижалари аниқланди;

- ташқи иқтисодий фаолиятни прогнозлашнинг жаҳон тажрибаларини ўрганиш ва улардан Республикада фойдаланиш имкониятлари аниқланди;

- Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнгги истикболини белгилаш йўллари, уни прогнозлаш усуллари кўллаш ўрганилди;

- Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг истикболли йўналишларини прогнозлашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Магистрлик диссертация ишида келтирилган таклиф ва мулоҳозалардан келажакда ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнгги истикболини белгилаш ҳамда прогнозлаш усуллари такомиллаштиришга бағишланган йўриқнома, кўрсатмалар ишлаб чиқишда, дарслик, ўқув қўлланма материалларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Бажарилган тадқиқотнинг асосий натижалари. Ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнгги истикболини белгилашнинг асосий йўналишлари, прогнозлаш усуллари такомиллаштиришнинг йўллари, ташқи иқтисодий фаолиятни истикболларини аниқлашда прогнозлаш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

I боб. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги истиқболли йўналишларини прогнозлашнинг илмий-назарий асослари

1.1. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишлари ва тузилиши

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси йилдан-йилга тобора ортиб бораётгани мустақиллигимиз тараққиётининг дастлабки йилларида халқимиз танлаб олган ривожланиш йўли нақадар тўғри ҳамда пухта асосга эга эканини, энг муҳими, уларнинг негизида фуқароларимизнинг ҳаётий орзу-интилишлари ва манфаатлари ўзини яққол ифодасини топгани бугунги кунда кўплаб амалий мисолларда намоён бўлмоқда.

Биз ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган келажаги буюк давлатни барпо этишда ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг мураккаб, изчил ва давомли йўлида ҳар бир йил алоҳида поғона бўлиб хизмат қилаётгани эътиборлидир. Шунинг учун ҳам якунига етган ҳар бир йил давомида босиб ўтган йўлимизни атрофлича сарҳисоб қилиб, мамлакатимиз миқёсида эришилган ютуқ ва натижаларни чуқур таҳлил этишюксак марраларни қўлга киритиш учун олдимизда турган энг муҳим ва устувор вазифаларни белгилаб

олиш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни янги босқичга кўтаришда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Шу нуктаи назардан қараганда, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йил учун мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишлаб 2013 йил 18 январь куни ўтказилган мажлисидаги маърузаси бекиёс аҳамиятга эга.

Ушбу маърузада аввало глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамасдан, 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ривожланишда давом этгани, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустаҳкамланиши таъминлангани қайд этилди. Мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги мавқеини янада мустаҳкамланиши ўз навбатида мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантирилиши билан бевосита боғлиқ.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланади. Олди-сотди ёки айирбошлаш объекти ҳисобланган товарлар (ишлар, хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан қимматли қоғозлар, валюталар ва валюта қийматликлари, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турларига, транспорт воситаларига, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ташқи иқтисодий фаолият юритиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий принциплари:

- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг тенглиги;
- савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўйилмаслиги;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан ўзаро манфаатдорлик;

- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари:

- халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;
- ташқи савдо фаолияти;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг вазифаси унинг мазмунидан келиб чиқади.

Биринчи вазифаси, табиий ресурслар, уларнинг ашёвий ва қиймат шаклидаги меҳнат натижаси билан халқаро айирбошлашни ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш. Табиий ресурслар сифатида қазиб олинadиган маҳсулотлар ва халқаро меҳнат тақсимоти жараёнида олинadиган маҳсулотларни уларнинг ашёвий ҳамда қиймат шаклидаги меҳнат натижалари бозори орқали аниқ истеъмолчиларга етказишдан иборат. Айирбошлашни ташкил этиш айна вақтда айирбошлашга хизмат кўрсатишни ҳам назарда тутadi.

Иккинчи вазифаси, халқаро меҳнат тақсимоти маҳсулотлари истеъмол қийматининг халқаро миқёсдаги эътирофи. Ушбу функцияни бажариш жараёнида товар- пул муносабатлари ҳаракатининг якунланиши ва пулни халқаро меҳнат тақсимоти маҳсулотига айирбошлаш тугаши юз беради, бунинг натижасида маҳсулотнинг истеъмол қиймати халқаро эътиборга эга бўлади.

Учинчи вазифаси, халқаро пул муомаласини ташкил этиш. Турли халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида пулнинг узлуксиз ҳаракати учун шарт-шароит яратишдир.

Ташқи иқтисодий фаолият давлатнинг иқтисодий тизимига таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб майдонга чиқади. У ташқи иқтисодий фаолият механизми орқали амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолият орқали жаҳон бозорининг товар ва хизматларга талаби муайян давлатнинг ички бозорига ўтказилади, бу эса

ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга имкон яратади, бу ўз навбатида иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришга олиб келади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг турлари – битта умумий белги, масалан, товар оқимининг йўналиши ёки таркибий белги билан бирлаштирилган фаолиятлар мажмуидир. Товар оқимининг йўналиши билан боғланган тасниф белгиси товарнинг бир мамлакатдан олиб чиқиши ёки товарнинг мазкур мамлакатга олиб кирилишини белгилайди. Ушбу белгига кўра ташқи иқтисодий фаолият товарни сотиш ва олиб чиқиш билан боғлиқ экспорт фаолиятига ҳамда товарни харид қилиш ва олиб келиш билан боғлиқ импорт фаолиятига бўлинади.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг муҳим шарти автомобилда халқаро ташувлар соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, халқаро автомобиль ташувларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мақсадида ҳукуматлараро битимлар доирасида автомобилда халқаро ташувлар бўйича қўшма комиссиянинг тўртта йиғилиши ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида йўловчи ва юкларни автомобилда халқаро ташувлар тўғрисидаги 2001 йил 3 апрелда имзоланган Битимнинг 17-моддасига асосан 14-15 август кунлари Германиянинг Бонн шаҳрида Ўзбекистон ва Германия ўртасида автомобилда халқаро юк ташувлар бўйича Қўшма Комиссиянинг биринчи йиғилиши ўтказилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги 1994 йил 22 декабрда имзоланган битимнинг 19-моддасига асосан 27-28 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Белоруссия ўртасида автомобилда халқаро ташувлар бўйича қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Латвия Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги 1996 йил 23 майдаги битимнинг 17-моддасига асосан, 29-30 октябрь кунлари Рига

шаҳрида (Латвия Республикаси) халқаро автомобиль ташувлари масалаларига оид ўзбек-латвия қўшма комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида курукликдаги транспорт тўғрисидаги 1992 йил 28 апрелдаги битимнинг 7-моддасига мувофиқ, жорий йилнинг 12-13 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги автомобилда халқаро ташувлар масалаларига оид қўшма комиссия йиғилиши ўтказилди. Ушбу комиссиялар йиғилишларида томонлар имзоланган битимларнинг бажарилишини ва давлатлар ўртасида автомобилда халқаро ташувларни ривожлантириш масалаларини муҳокама этдилар.

Шунингдек, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШХТ) аъзодавлатлар ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобиль ташувлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш тўғрисидаги Битим лойиҳасининг иловаларини муҳокама этишга оид экспертлар йиғилиши ўтказилди.

Испания томонидан дипломатик каналлар орқали тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Испания Ҳукумати ўртасида халқаро автомобиль ташувлари тўғрисидаги битим лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Ушбу битим лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 27 августдаги 05/02-61-11 сонли топшириғи билан дипломатик каналлар орқали Испания томонига кўриб чиқиш учун юборилди.

2012 йилда автомобилда халқаро юк ташувларини амалга ошириш учун ҳукуматлараро битимлар доирасида 25 та хорижий мамлакатнинг транспорт бўйича ваколатли органлари билан 7550 донa рухсатнома бланкаси тенг ҳуқуқлилиқ асосида алмаштирилди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг ҳал қилувчи транспорт-транзит тармоғига айланиши учун транспорт-коммуникация инфратузилмасини

модернизация қилиш ва янгилаш, маҳаллий ва халқаро транспорт хизматлари таркибини диверсификация этиш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш ва ривожлантириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш ва таннархини камайтириш талаб этилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг узок муддатли ривожланишининг мақсади ва устувор йўналишлари жаҳондаги ривожланган мамлакатлари каторига кириш билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан асослаб берилган иқтисодий сиёсат стратегияси айнан шу мақсадга қаратилган. Ўзбекистон иқтисодиётининг олис истиқболдаги рақобатдошлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларга куч ва ресурслар йўналтирилмоқда:

- иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, ЯИМда моддий ресурслар ва энергия сифимини 2 баробар пасайтириш ҳисобидан мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш орқали иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори даражасини таъминлаш (8фоиз);

- модернизациянинг биринчи навбатдаги объекти инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир иқтисодий тузилмалар яратиш, давлат таълим стандартларига риоя қилиш, инновация инфратузилмалари ривожланиши учун зарур бўлган қулай инвестицион муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароит яратиш;

- ўта янги маҳсулот турлари ва юксак технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарларнинг рақобатдошлигини ошириш; саноат ишлаб чиқариши, биотехнология, информатика ва нанотехнологиядаги янги кашфиётларни қўллашга асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқ ва соҳаларида катта салоҳиятга эга бўлган энергия ва сув тежайдиган технологияларни жорий этиш;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашувини чуқурлаштириш, унинг ташқи иқтисодий бозор конъюктурасига боғлиқлигини пасайтириш учун ташқи бозорда рақобатдош тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобидан экспорт таркибини диверсификация қилиш;

- мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетик балансини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, чунки иқтисодиётнинг энергия таъминотида табиий газнинг улуши меъёрдан анча юқори бўлгани учун истикболли энергия тежайдиган технологияларни фаол ишлаб чиқиш ва халқаро миқёсда айирбошлаш, энергиянинг муқобил манбаларидан кенг фойдаланиш ва бошқалар.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр эканмиз, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик»³.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, молиявий инқирознинг республикаимиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, бизда жаҳон хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 7-б.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун яхши имконият туғилди. Давлатимизнинг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги, «Ташқи савдо тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришнинг қўшимча чора - тадбирлари тўғрисида»ги, «Тўғридан –тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги каби қонун ва фармонларни қабул қилиниши юқоридаги фикримизни исботидир.

Ўзбекистонда 2000 йилнинг май ойида «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ги қонуннинг қабул қилиниши билан бу соҳада кейинчалик қонун яратиш фаолияти учун асос бўладиган ташқи иқтисодий фаолиятнинг концептуал асослари аниқ белгилаб берилди. Қонуннинг янги таҳририда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг маъмурий усулларида иқтисодий усулларининг устуворлиги методологик тамойил сифатида аниқ белгиланди ҳамда давлат ва унинг органларини ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ишига ноқонуний аралашилари ман этилади.

Қонуннинг янги таҳрири моддалари мамлакат қонунчилигида юз берган ўзгаришларни, ташқи савдо режимини эркинлаштириш вазифаларни ҳамда бошқа таҳририй тузатишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олиб янгиланди. Ташқи иқтисодий фаолият моҳиятидан келиб чиқиб, янги таҳрирда ташқи иқтисодий фаолият турларига аниқлик киритилди. Қонунчиликни қўллаш амалиётида малакали ишлатиш учун қонундаги асосий атамалар ва тушунчаларнинг талқини берилди, улар ҳалқаро ҳукукий дефинициялар билан мос келади.

Давлат органларининг ваколатлари қисқа ва ноаниқ белгиланган Қонуннинг эски таҳриридан фарқли ўлароқ, янги таҳрирда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи иқтисодий фаолият вазирлигининг асосий ваколатлари аниқ белгиланган.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг ўзига хос тизимларини тезкор шакллантириш, ташқи фаолиятни йўлга қўйиш тамойилларини ишлаб чиқиш, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви йўллари мустақил белгилаб олиш вазифаси қўйилган эди.

Айни пайтда, республика ҳукумати томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва зарурий ҳуқуқий асосларнинг яратилиши Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий мамлакатлар юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик фаолиятини ўрнатиши ва ривожлантиришига имкон берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий тамойилларини белгилаб берди. Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ҳуқуқий асосда қуйидаги йўللار билан амалга оширилади:

- Ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилиги негизини шакллантириш ва такомиллаштириш;
- Валюта сиёсати орқали тартибга солиш;
- Солиқ сиёсати орқали тартибга солиш;
- Тариф ва нотариф дастаклар орқали тартибга солиш;
- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун химоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни қўллаш;
- Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш;
- Техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш;

- Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

Республикада олиб борилаётган ташқи иқтисодий фаолиятга оид бўлган «очиқ эшиклар сиёсати» - савдо-иқтисодий фаолиятни эркин ва жадал ривожлантириб бориш, икки томонлама ва кўп томонлама асосда тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик фаолиятини кенгайтириш, рақобат ҳамкорлик ўртасидаги ҳақиқий мувозанатни таъминлаш, замонавий техника ва технологияларни республикага олиб кирадиган хорижий инвесторлар ва алоҳида мамлакатларга нисбатан устуворлигини тан олиш ГАТТ/ЖСТ принципларига ва қоидаларига амал қилиш асосида ташқи савдо режимини босқичма-босқич эркинлаштириш ва республиканинг мазкур ташкилотга интеграциялашиб боришини таъминлаш сингари бир қатор мақсадларга қаратилгандир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон миллий иқтисодиёти субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга қаратилган, шу жумладан экспорт ва импорт операцияларини тарифлар воситасида ва тарифсиз бошқаришни тартибга солиш экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир чора – тадбирлар кўрилди. Ўз маҳсулотини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва воситачи корхоналар учун экспорт - импорт ва солиқлар воситасида тартибга солишнинг қўшалок тизими барпо этилди. Хориж бозорларига, айниқса МДХ мамлакатлари бозорига чиқишга интилиб, ишлаб чиқариш фаолияти билан фаол шуғулланаётган микроиқтисодий субъектлар қулай ҳуқуқий шароитга эга бўлдилар. Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳуқуқий аҳволининг фойдали жиҳатларидан амалда Республиканинг барча хўжалик юритувчи субъектлари фойдалана оладилар, бинобарин, мулкчиликнинг исталган шаклидаги корхона ва фирмалар экспорт-импорт ва солиққа оид имтиёзлардан фойдаланиш учун ўзларининг асосий фаолиятларини тегишли тарзда қайта қура оладилар.

1998 йилда Ўзбекистон Республикасида «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонун амалга киритилди, у ташқи иқтисодий фаолиятни

ривожланишнинг ўзгариб бораётган шароитларига жавоб беради, жаҳон ҳамжамиятида чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестицияларига нисбатан қабул қилинган барча талаблар ва қоидаларни ўз ичига олади. Ушбу қонун чет эл сармоя қўйилмалари амалга оширилиши мумкин бўлган, хусусан улуш қўшиб қатнашиш, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банклар суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш, мол-мулк ва қимматли қўғозларни сотиб олиш, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни киритиш, концессиялар олиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига мулк ҳуқуқларини сотиб олиш, ерга, табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш, шунингдек республика қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа кўплаб шаклларни эътироф этади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда мамлакатимиз олдида қуйидаги масалаларни ҳал этиш вазифаси турибди:

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўзгарувчан шарт-шароитларини инобатга олувчи, уларни давлат томонидан тартибга солишнинг илмий асосланган концепциясини яратиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашувчиларнинг аксарият қисмида ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бозор иқтисодиёти, жаҳон бозорига кириш шарт-шароитлари, ҳуқуқ ва техник жиҳатлари тўғрисида махсус билим ва кўникмалар олишни кучайтириш;

- жаҳон бозорлари ҳақида керакли тижорий маълумотлар базаси тизимини яратиш;

- божхона ва экспорт-импорт назоратини компьютерлаштириш ва автоматлаштиришни талаб даражасига чиқариш;

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсати – давлатимизнинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш ва ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимланишида мамлакат иштирокини мақбуллаштириш режимини белгилашга доир бир мақсадга йўналтирилган фаолиятдир. Ташқи иқтисодий сиёсатимизнинг асосий таркибий қисмлари – ташқи савдо сиёсати,

чет эл инвестицияларини жалб этиш ва хориждаги миллий сармоя кўйилмаларини тартибга солиш соҳасидаги сиёсатлардир.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий сиёсат ташқи иқтисодий фаолиятни ҳам тартибга солади. Кўпчилик давлатларда мавжуд бўлган ташқи иқтисодий сиёсат воситаларининг кенг доираси уларга ўз ташқи иқтисодий фаолияти таркибини ва уларни ривожлантириш йўналишларини шакллантиришга ҳам, бошқа мамлакатларнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва ташқи иқтисодий сиёсатига ҳам фаол таъсир кўрсатиш имконини беради.

Ташқи иқтисодий фаолиятни оқилона тартибга солиш иқтисодий ривожланишда давлат стратегиясининг муҳим таркибий қисмидир. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш – бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида, мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида прогрессив силжишларни рағбатлантириш, хорижий капиталлар оқимини кўпайтиришга йўналтирилган ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижро ва назорат қилиш йўналишидаги чора-тадбирлар тизимини қамраб олади.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ислохотлар барқарорликка эришишнинг қисқа муддатли масалалари ечимига эмас, балки узоқ муддатли стратегик йўналишга эга бўлса, бу шак-шубҳасиз, иқтисод самарадорлигининг кўтарилишига имкон беради. Ўзбекистонда бу йўналишдаги фаолиятларни давом эттиришда асосий эътиборни қуйидаги муаммоларга қаратиш лозим:

- ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини кучайтиришга йўналтирилган ишларни давом эттириш жуда муҳимдир;

- ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Маъмурий-

бошқарув аппарати ходимлари сонини механик тарзда кўпайтирмасдан, амалдаги ташкилий бўғинлар, муҳим бўлинмаларнинг бирлашиши, функционал қайта бўйсунитиши ва шу кабилар орқали уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаган ҳолда, Республика ташқи иқтисодий фаолият бошқаруви механизмини такомиллаштириш лозим;

- республика бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ва махсус ваколатли ташкилотлар томонидан бошқариладиган ташқи савдо фаолиятини ахборот билан таъминланиши учун умумдават тизимини шакллантириш ва ривожлантириш зарур;

- ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланишида турли хилдаги хавфлардан ҳимоя қилувчи савдо ва инвестицияларни давлат томонидан суғурта қилишнинг диверсификацион тизимини ташкил қилиш зарур.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсати қуйидаги тўртта қоидага асосланади:

- ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашишга қобил тармоқлар ва минтақаларни ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқарадиган давлатнинг ўзгартирувчилик фаолияти, шу жумладан мазкур фаолиятнинг божхона механизми вачет эл инвестициялари учун қулай режим;

- мамлакат хўжалик юритувчи субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини асосан бир галги ташқи иқтисодий битимлардан ташқи бозорларни ушлаб туриш ва кенгайтиришга узоқ муддатли йўналтирилган, улар умумий хўжалик фаолиятининг доимий ва узвий қисми сифатида ташқи иқтисодий фаолиятга йўналтириш;

- ташқи иқтисодий фаолият функцияларини ҳокимият шахобчалари, республика ва ҳудудий бошқарув органлари ҳамда тармоқ қоидалари ўртасида аниқ тақсимлаш;

- жаҳон бозорида республика экспортчилари учун қулай шароитларни яратиш мамлакат ташқи сиёсатининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши.

Бозор муносабатлари мустаҳкамланиб бориши билан конун доирасида ўз жавобгарлигидан келиб чиқиб фаолият кўрсатадиган, мулкчиликнинг исталган шаклидаги мустақил корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий субъектларига айланиши керак. Давлатнинг асосий вазифаси эса— ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва ушбу субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини енгиллаштиришдир. Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятни енгиллаштиришда қуйидагиларни таъминлаши керак:

- мамлакат корхоналарининг машина ва ускуналар, технология ва ахборотлар, сармоялар жаҳон бозорларига, транспорт коммуникацияларига қира олиши; корхоналар маҳсулотининг трансмиллий корпорациялар назорат қиладиган ёки чет эл давлатлари ва улар иттифоқларининг протекционистик ғоялари билан ҳимоя қилинган бозорларга кириб боришига сиёсий, молиявий ва ахборот мададини кўрсатиш;

- чет эл мамлакатлари ва уларнинг савдо-иқтисодий гуруҳлари, ташкилот ва иттифоқлари билан муносабатларда қулай савдо ва сиёсий режимни барпо этиш, мавжуд ва эҳтимолий камситувчи чеклашларни олиб ташлаш, МДҲ мамлакатлари билан муносабатларда турли савдо-иқтисодий ғовларни бартараф этиш;

- кредитор мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда валюта-молия муаммоларини узоқ муддатга тартибга солиш;

- Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қиладиган самарадор тизимни шакллантириш.

Сўнгги йиллар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан миллий иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўйича фаол чора тадбирларни амалга ошириш йиллари бўлди. Ҳозирги пайтда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг устувор йўналишларидан бири, республика ҳукумати томонидан ички валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлигидир.

Кўпчилик мамлакатлар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларининг халқаро бозорларда айирбошлашни яхшилаш мақсадида уларни халқаро стандарт

талабларига мослаштиришга ҳаракат қиладилар. Ўзбекистонда ҳам ташқи савдо фаолиятини бошқаришда бир қатор иқтисодий дастаклардан фойдаланади. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган товарлар республикада амал қиладиган техник, фармакологик, санитар, ветеринар, фитосанитар, экологик стандарт талабларига жавоб бериши лозим.

Юқорида қайд этилган стандарт ва талабларга жавоб бермайдиган, сертификатсиз, махсус белгисиз товарларни мамлакат ҳудудига олиб кириш тақиқланади. Республика ҳукумати импортни камайтиришга, саноатни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Хусусан, дон, гўшт, сут маҳсулотлари импортини камайтиришга қаратилган кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, сифатсиз маҳсулотларга эга бўлган нархи баланд ёки ноқонуний импорт қилинган маҳсулотларга эга бўлган импортёрларни чет эл валютасига эга бўлмасликларини кафолатловчи чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон учун ташқи савдони ислоҳ қилиш ва экспортни рағбатлантириш – эркин айирбошланадиган валютада даромадлар ўсишига олиб келади. У жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув кучайишида муҳим омил ҳисобланади. Энг муҳими, у иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлайдиган миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш каби энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган муҳим ҳаракат ҳисобланади.

1.2. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишларини прогнозлашнинг илмий ва услубий асослари

Ташқи иқтисодий фаолиятда прогнозлашнинг барча усуллар деярли қўлланилади. Бошида тадқиқотлар асосида, эксперт сўровлар, аналогиялар ёрдамида олиб борилади. Сифатли таҳлил экстраполяция, бошқа математик - статистик ёндашувлар, муҳими, қидирув характеридаги ёндашувлар асосидаги ҳисоб - китоблар билан тўлдирилади. Навбатдаги ва якуний иқтисодий прогнозлаш босқичларида мураккаброқ, шу жумладан, норматив-мақсадли моделлардан: эконометрик, баланс, оптималлаштирувчи моделлардан фойдаланилади.

Экстраполяция усуллари ёрдамида прогнозлаштириш ишларининг қуйидаги босқичларини ўз ичига олади.

Экстраполяция – бу ўтган даврда кузатилган тенденцияни келажакда давом эттиришдир.

1. Тадқиқот мақсади ва вазифаларини ўрнатиш, прогнозлаштириш объектининг таҳлили.

Исталган тизимнинг ривожланишини прогнозлаштириш (корхона, фирма ва ҳақозо) унинг ривожланишини характерловчи ва белгиловчи параметрларига (объектларига) махсус талабларни қўйди. Шунинг учун ишларнинг биринчи босқичида тизимни мантиқий жиҳатдан батафсил ўрганишни амалга ошириш керак: кўриб чиқиладиган объектнинг (параметрлари, кўрсаткичи) бир хил даражадаги бошқа тизимларга ва субъектларга (юқорироқ даражадаги тизимлар) боғлиқлиги; ушбу берилган объект ва тизимнинг бошқа объектлари орасидаги ўзаро алоқа; объект ҳақидаги статистик берилганларни тақдим этиш характерини ўрнатиш.

2. Дастлабки берилган маълумотларни тайёрлаш. Бу босқичдаги ишлар вақт қаторини текширишдан бошланади, бунинг натижасида қаторнинг тўлиқлиги ўрнатилади (ҳар бир йил, ой, чорак, ретроспектив давр учун берилганларнинг мавжудлиги), берилган маълумотларнинг таққослаш мавжудлиги ва зарурат бўлганда, таққосланаётган турга берилганларни

келтириш методикасини текширилади. Агар вақт қатори тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, у ҳолда жараённинг бориши характериға қараб, етишмаётган берилганларни интерполяциянинг у ёки бу усуллари ёрдамида аниқлаш керак.

Бу билан бир қаторда функциялар массивини шакллантириш амалга оширилади, у кейинчалик математик модел кўринишини танлаш учун ишлатилади.

3. Дастлабки вақт қаторининг фильтрацияси. Ушбу процедура натижасида тасодифий флуктуациялар бартараф этиладилар, уларни ҳисобга олинмаган факторлар ёки жараённинг нисбатан кўпроқ ўтиши эҳтимоллигини ўлчаш хатоларни юзага келтирадилар, бу билан регрессия турини танлашга тасодифий тебранишларнинг бузиб кўрсатувчи таъсирига йўл қўйилмайди. Дастлабки динамик қаторнинг фильтрацияси ўз ичига уни текисланиши ва силлиқлашни олади.

Силлиқлаш дастлабки қаторнинг экспериментал қийматларидан тасодифий четга чиқишларни бартараф этиш учун қўлланилади. Силлиқлаш тажриба нуқталари гуруҳларини яқинлаштирувчи (одатда энг кам квадратлар усули билан) кўп хадлар ёрдамида амалга оширилади. Энг яхши силлиқлаш гуруҳ ўртача нуқталари учун бўлади, шунинг учун силлиқланаётган гуруҳда нуқталарнинг тоқ сонларини танлаш мақсадга мувофиқдир. Одатда уларни битта ёки учта қилиб танланади. Масалан, биринчи учта нуқта бўйича (y_1, y_2, y_3) ўртача y_2 ни силлиқлайди, кейин навбатдаги учликдан (y_2, y_3, y_4) y_3 ни силлиқлайди ва ҳақозо. Энг чекка нуқталарини махсус формулалар бўйича текислайди.

Кўпроқ силлиқлаш учун чизиқли боғлиқликни қўллайди шунда учта нуқтадан иборат гуруҳлар учун силлиқлаш формулалари қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\hat{y}_0 = \frac{1}{3}(y_{-1} + y_0 + y_{+1}); \quad (1.2.1)$$

$$\hat{y}_{-1} = \frac{1}{6}(5y_{-1} + 2y_0 + y_{+1}); \quad (1.2.2)$$

$$\hat{y}_{+1} = \frac{1}{6}(-y_{-1} + 2y_0 + y_{+1}), \quad (1.2.3)$$

$y_0, \hat{y}$ - гуруҳнинг ўрта нуктасидаги бошланғич ва силлиқланган функцияларнинг қийматлари;

$y_{-1}, \hat{y}_{-1}$ - гуруҳнинг чап нуктасидаги бошланғич ва силлиқланган функцияларнинг қийматлари;

$y_{+1}, \hat{y}_{+1}$ - гуруҳнинг ўнг нуктасидаги бошланғич ва силлиқланган функцияларнинг қийматлари.

(1.2.2) ва (1.2.3) формулалар қаторнинг энг чекка нукталарини силлиқлаш учун ишлатиладилар. Бешта нукта бўйича силлиқлаш учун формулалар қуйидаги кўринишларга эга бўлади:

$$\hat{y}_0 = \frac{1}{5}(y_{-2} + y_{-1} + y_0 + y_{+1} + y_{+2}); \quad (1.2.4)$$

$$\hat{y}_{-1} = \frac{1}{10}(4y_{-2} + 3y_{-1} + 2y_0 + y_{+1}); \quad (1.2.5)$$

$$\hat{y}_{+1} = \frac{1}{10}(y_{-1} + 2y_0 + 3y_{+1} + 4y_{+2}); \quad (1.2.6)$$

$$\hat{y}_{-2} = \frac{1}{5}(3y_{-2} + 2y_0 + y_{+1} - y_{+2}); \quad (1.2.7)$$

$$\hat{y}_{+2} = \frac{1}{5}(-y_{-2} + y_0 + 2y_{+1} + 3y_{+2}), \quad (1.2.8)$$

Силлиқлаш (хаттоки оддий чизикли вариантда ҳам) экспериментал нукталарда ўлчашнинг тасодифли тўсиқлари ва хатолари бўлганда ҳам трендни аниқлашнинг самарали воситаси бўлади.

Текишлаш бошланғич қаторни унинг сонли қийматларини ўзгартирмасдан ўнғайроқ тақдим қилиш учун қўлланилади. Текислаш деб бошланғич эмпирик формулани

$$y = f(t, a, b) \quad (1.2.9)$$

бу ерда t – вақт;

a, b – параметрлар.

(1.2.10) $y = a_1 T + b_0$ кўринишига келтиришга айтилади.

Иккита параметрли боғлиқликка қўллаш (1.2.9) унинг прогнозлаш амалиётида кенг тарқалганлиги ва теккисланаётган формулаларнинг нисбатан соддароқ усуллар билан олиниши билан тушунтирилади. Параметрлари сони кўп (2 тадан ортиқ) бўлган функциялар ҳар доим ҳам теккисланавермайди ва формулалар бесунақай катта кўринишга эга бўлади.

Теккислашнинг энг кўп тарқалган усули логарифмлаш ва ўзгарувчиларни алмаштиришдир.

Теккислашни бошланғич динамик қаторни тақдим этиш усули сифатида эмас, балки аппроксимация қилувчи функциянинг параметрларини бевосита тахминий аниқлаш сифатида қараш мумкин, бу амалда тез-тез қилинади.

4. Атроксимирацияланувчи функциялар турларини мантикий танлаш. Статистик берилганларни ўрганиш ва берилган функциялар массивидан ўрганилаётганг жараённинг боришини мантикий таҳлил этиш асосида алоқа тенгламаларининг кўпроқ мақул кўринишлари танлаб олинади. Ушбу босқич зарурдир, чунки функцияларни саралаганда кўриб чиқиладиган жараённинг боришини асосий шартларини ва математик моделга қўйиладиган талабларни ҳисобга олишга имкон беради. Ушбу босқичда қуйидаги саволлар ҳал қилиниши керак:

- тадқиқ этиладиган кўрсаткич бир хил ўсиб бораётган (камаяётган), муқим, даврий, бир ёки бир неча экстремумлари бор катталики;

- кўрсаткич тепадан ёки пастан қандайдир чегара билан чегараланганми;

- жараёни аниқловчи функция букилиш нуқтасига эгами;

- жараён вақтида ривожланишда аниқ чегараланишга эгами;

Шундан функцияларни кўриб чиқамизки, уларни прогноз экстраполяцияга қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Аппроксимирацияланувчи функция сифатида кўп ҳолларда ҳаётлар сонини чегаралаш билан турли хил полинамалар қўлланилади (полинома даражасини).

Бу даражага полином
$$y(t) = a_0 + \sum_{i=1}^n a_i t^i ; \quad (1.2.11)$$

Экспоненциал полином
$$y(t) = \exp[a + \sum_{i=1}^n a_i t^i] ; \quad (1.2.12)$$

Гиперболик полином
$$y(t) = a_0 + \sum_{i=1}^n \frac{1}{a_i t^i} , \quad (1.2.13)$$

бу ерда y – прогнозловчи кўрсаткич;

t – вақт;

$a_0, a_1 \dots a_n$ – аниқланиш лозим бўлган параметрлар (коэффициентлар).

Прогнозлаштириш мақсадларида аппроксимацияловчи функцияларни қўллаш тажрибаси шуни кўрсатадики, оддийроқ (математик жиҳатдан) ва кўпроқ қўлланиладиган функциялар қуйидагилардир:

- чизикли
$$y(t)=a+bt; \quad (1.2.14)$$

- квадратли
$$y(t)=a+bt+ct^2; \quad (1.2.15)$$

- даражали
$$y(t)=at^b; \quad (1.2.16)$$

- экспоненциал
$$y(t)=a\exp(bt); \quad (1.2.17)$$

- модификацияланган экспонента
$$y(t)=kae^{-bt}; \quad (1.2.18)$$

- гиперболик
$$y(t)=a+(b/(c+e)); \quad (1.2.19)$$

- мантикий эгри чизик
$$y(t)=(k/(1+b*e^{et})); \quad (1.2.20)$$

бу ерда a, b, c, k – параметрлар.

Имкони бўлганида, аппроксимацияловчи функция турини танлаганда, текисликда жойлашган вақтли қаторнинг нукталарга кўриниши бўйича танлашни график усулига таянадилар. Агар график бўйича функцияни танлаш қийин бўлса, айрим ҳолларда тегишли тартибдаги аппроксимация фнкцияларини тегишли кўринишларидан ҳосилаларнинг таҳлилига таянади (ёки $\Delta_1, \Delta_2, \Delta_3 \dots$ фарқларга).

Прогноз учун шундай функцияни танлайдиларки, унинг айрим қатор учун ўртача арифметиги нолга яқин бўлади.

Аппроксимацияловчи функциянинг тури ҳақидаги охирги қатор унинг параметрларини ва ретрохпектив қатор бўйича прогноз вугификациянинг

аниқлагандан сўнг қабул қилинади. Шунга прогнозлаш учун бир неча аппроксимацияловчи функцияларни қўллайдилар, аниқликни баҳолагандан сўнг мақбулини танлаб олиш учун.

5. Прогнозлаштиришнинг математик моделини баҳолаш. Тадқиқотнинг ушбу босқичида аппроксимацияланувчи функцияларнинг турли кўринишларининг параметрлари аниқланади. Аппроксимацияловчи боғлиқларнинг параметрларини баҳолашнинг кўпроқ тарқалган усулларида бу – энг кам квадратлар (МНК) усули ва унинг модификацияларидир экспоненциал силлиқлаш усули, эҳтимоллик моделлаштириш усули, адаптация силлиқлаш усули. Мисол учун МНК ва экспоненциал силлиқлаш усулини кўриб чиқамиз.

Энг кам квадратлар усули бошланғич вақт қатори нуқталаридан унинг четга чиқишини минимизациялайдиган тренд модели параметрларини аниқлашдан иборат:

$$S = \sum_{i=1}^n (\hat{y}_i - y_i)^2 \rightarrow \min$$

бу ерда: y – бошланғич қаторнинг ҳисобланадиган назарий қийматлари;

$\hat{y}_i$ – бошланғич қаторнинг ҳақиқий қийматлари;

n – кузатишлар сони.

Энг кам квадратларнинг классик усули моделдаги бошланғич ахборотнинг тенг қимматли эканлигини кўзда тутди. Амалда эса жараённинг келгуси ҳулқи кўп даражада эртаги кузатувларга нисбатан кечги кузатувлар белгилайди. Гап десконтрирация, яъни аввалроқ ахборотнинг қиймати камайиши ҳақида гап кетилади.

Дисконтирлашни модулга (1.2.21) айрим оғирликларни киритиш билан $\beta_1 < 1$ ҳисобга оладилар. Бунда:

$$S = \sum_{i=1}^n (\hat{y}_i - y_i)^2 \rightarrow \min, \quad (1.2.21)$$

β_1 коэффициентлар сонли шаклда ёки функциянал боғлиқликда шундай берилиши мумкинки, ўтмишга яқинлашган сари оғирликлари камайиб борсин.

Энг кам квадратлар усули прогнозлаштиришга кенг қўлланилади, бу унинг оддийлиги ва ЭХМ да реализация қилишнинг осонлиги билан тушунтирилади. МНК нинг камчиликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, тренд модели қатъиан қайд қилинади ва МНК ёрдамида олдиндан хабар беришнинг унга катта бўлмаган даврига прогноз олса бўлади. Шунинг учун МНК қисқа муддатли прогнозлаштириш усулига киритилади.

Иккинчидан, моделнинг тўғри кўринишини танлаш анча қийинчилик туғдиради, шунингдек энг кам квадратларнинг ўлчанган усули бўйича оғирликларни танлаб олиш ҳам анча қийиндир. Ва ниҳоят, МНК фақат чизиқли ва чизиқлаштириладиган боғлиқликлар учунгина жуда оддий реализация қилинади; агар прогноз учун чизиқли боғлиқликка келтирилмайдиган функционал боғлиқлик ишлатилса моделлар коэффициентлари баҳоларини олиш учун чизиқли тенгламалар тизими ечилаётганда анча мураккаблашади.

Экспоненциал силлиқлаш усули ўта муддатли прогнозлаштириш учун самарали ва ишончли усули ҳисобланади. Бу ерда ретроспектив ахборот муҳимлигини ҳисобга олиш муҳимлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтиш керак.

Юқорида келтирилган прогнозлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда республикамизда амалга оширилаётган ишлар, хусусан ишлаб чиқариш ва экспортнинг истиқболлари прогнозини кўриб чиқамиз.

Республикамизда қайта ишлаш саноатининг, айниқса қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш тармоқларининг ривожланиши даражаси мамлакатимизда мавжуд саноат хомашёсини тўлиқ ва чуқур қайта ишлаш орқали рақобатдош, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун

етарли эмас. Масалан, пахта толасини қайта ишлаш даражаси 2010 йилда республикаимиз бўйича 23,6 фоизни, 2011 йилда эса 14,5 фоизни ташкил этди, холос. Эксперт баҳоларига кўра, 2011 йилда республикаимиз бўйича 10,94 миллион дондан кўпроқ тери хомашёси тайёрланди. Аммо унинг бор йўғи 52,3 фоизи, яъни 5,72 миллион донаси тайёрланди, холос. Чунки терини қайта ишлаш корхоналари томонидан уларни қайта ишлаш учун етарли талаб билдирилмаган. Тери-чарм саноатини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тери хомашёсига талабнинг ортишига олиб келиши сабабли 2012 йилда тайёрланиши мўлжалланаётган 11,66 миллиондона тери хомашёсининг 72,3 фоизини, яъни 8,43 миллион донасини қайта ишлаш кўзда тутилган эди.

Гўшт, сут, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш даражаси ҳам кониқарли аҳволда эмас. Шу сабабли бу маҳсулотларни қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш чоралари кўрилмакда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган “Республиканинг озиқ-овқат саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш ва 2012-2015 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1633-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга кўра, озиқ-овқат хомашёсини қайта ишлашни кенгайтириш орқали саноат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилган (1.2.1-жадвал).

1.2.1-жадвал

Асосий саноат озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг мақсадли прогноз параметрлари

Озиқ-овқат товарларининг номи	Ўлчов бирлиги	2011 й.	2012 й. минг тонна прогноз	2013 й. прогноз	2014 й. прогноз	2015 й. прогноз	2015 й. га нисбатан фоизда
Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш							
Мева-забзавот консерваси	миллион шартли банка	460,0	475,0	510,0	560,0	610,0	132,6
Мева шарбати	млн шартли банка	155,0	160,0	175,0	200,0	220,0	141,9
Томат паста	миллион	30,0	30,5	31,5	33,0	35,0	116,7

	шартли банка						
Қуритилган мевалар	минг тонна	123,0	126,0	134,0	143,0	155,0	126,0
Қолбаса маҳсулотлари	минг тонна	25,0	26,0	28,0	30,0	33,0	132,0
Ўшт консерваси	миллион шартли банка	2,2	2,5	3,0	3,6	4,4	2 марта
Сут ва сут маҳсулотлари	минг тонна	345,0	355,0	390,0	430,0	490,0	142,0
Пишлоқ, бринза билан бирга	минг тонна	3,0	3,3	3,7	4,2	5,0	166,7
Сариғ ёғ	минг тонна	4,2	4,5	5,0	5,6	6,5	154,8
Ўсимлик мойи	минг тонна	255,0	262,0	267,2	272,0	274,4	107,6
ш.ж. ноанъанавий экинлар мойи	минг тонна	17,0	19,0	21,0	25,0	30,0	176,5
Маргарин маҳсулотлари	минг тонна	18,0	19,0	20,0	21,0	23,0	127,8
Шакар	минг тонна	300,0	310,0	320,0	345,0	380,0	126,7
Кондитер маҳсулотлари	минг тонна	40,0	42,0	44,0	49,0	55,0	137,5
Пиво	млн дал.	27,0	28,0	29,0	30,0	32,0	118,5
Алкоголь ичимликлар	млн дал.	45,0	47,0	49,0	52,0	55,0	122,2
Тайёр маҳсулот экспорти							
Мева-сабзавот консерваси	минг тонна	6,7	7,2	7,8	8,3	8,9	132,8
Мева шарбати	минг тонна	25,5	26,5	28,1	31,0	33,0	129,4
Томат паста	минг тонна	4,3	4,8	5,5	6,4	7,4	172,1
Қуритилган мевалар	минг тонна	57,0	58,0	61,5	64,0	67,0	117,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ-1633- сонли қарори.

Жумладан, 2011-2015 йиллар давомида мева-сабзавот консерваси ишлаб чиқариш 132,6 фоизга, мева шарбатлари ишлаб чиқариш 141,9 фоизга, пишлоқ ишлаб чиқариш (бринзани қўшиб ҳисоблаганда) 166,7 фоизга, томат пастаси ишлаб чиқариш эса 116,7 фоизга, маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 127,8 фоизга ўсиши прогноз қилинган. Шу даврда мева-сабзавот консервалари экспорти 132,8 фоизга, мева шарбатлари экспорти 129,4фоизга, томат пастаси экспорти эса 172,4 фоизга ўсиши мўлжалланган қилинган. Бунга эришиш учун 2012-2015 йиллар давомида озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш мақсадларида қиймати 74,18 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳалар амалга оширилади. Бу лойиҳаларни молиялаштириш учун 36,5 миллион долларга тенг чет-эл инвестициялари жалб этилади.

Шунингдек, 2012-2015 йиллар давомида янги корхоналар куриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда қайта куруллантириш ҳисобидан мева ва узумни қайта ишлаш бўйича 63100 тонна (2012 йилнинг ўзида 19750 тн.), гўшти қайта ишлаш бўйича 16500 тонна (2012 йилда 3650 тонна), сутни қайта ишлаш бўйича 45700 тонна (2012 йилда 10450 тонна) маҳсулотни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган қувватлар барпо қилинади.

Юртимизнинг экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарига, экспорт қилинаётган маҳсулотнинг тури, ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушига боғлиқ тарзда бир қатор имтиёзлар (масалан, фойда солиғининг пасайтирилган имтиёзли ставкаларини қўллаш, божхона божлари бўйича имтиёзлар) белгилаб берилан. 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига кўра, маҳсулот экспорт қилуви корхоналарга бериладиган имтиёзлар доираси кенгайтирилди. Жумладан, жаҳон бозорида экспорт қилаётган маҳсулотига талаб пасайган корхоналарга банк кредитларини қайтариш муддатлари пролангация қилинди, солиқ тўловлари кечиктирилгани учун пеня ҳисоблаш тўхтатиб қўйилди ва ҳ.к.

Аммо жаҳон бозорида рақобат кураши кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимизнинг маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги Президентимиз томонидан таъкидланди ва муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилди.

Маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун рақобатчилар, истеъмолчилар, маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг қонунчилиги тўғрисида ахборот кўмагини бериш, давлатлараро келишувларга кўра мамлакат корхоналари учун хорижий давлатларда энг кўп қулайлик режимини яратиш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини (банклар, транспорт тизими ва ҳ.к) ривожлантириш, маҳсулот рекламасига кўмаклашиш каби чора-тадбирлар ҳам экспорт қилувчи корхоналар рақобатдошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

I боб бўйича хулосалар

Ташқи иқтисодий фаолият давлатнинг иқтисодий тизимига таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб майдонга чиқади. У ташқи иқтисодий фаолият механизми орқали амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолият орқали жаҳон бозорининг товар ва хизматларга талаби муайян давлатнинг ички бозорига ўтказилади, бу эса ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга имкон яратади, бу ўз навбатида иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришга олиб келади.


Ташқи иқтисодий фаолиятда прогнозлашнинг барча усуллари деярли қўлланилади. Бошида тадқиқотлар асосида, эксперт сўровлар, аналогиялар ёрдамида олиб борилади. Сифатли таҳлил экстраполяция, бошқа математик - статистик ёндашувлар, муҳими, қидирув характеридаги ёндашувлар асосидаги ҳисоб - китоблар билан тўлдирилади. Навбатдаги ва якуний иқтисодий прогнозлаш босқичларида мураккаброқ, шу жумладан, норматив-мақсадли моделлардан: эконометрик, баланс, оптималлаштирувчи моделлардан фойдаланилади.

Қисқача хулоса қилиб айтганда, ушбу бобда ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги истиқболли йўналишларини прогнозлашнинг илмий-назарий асослари, ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишлари ва тузилиши, ташқи ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишларини прогнозлашнинг илмий ва услубий асослари кенг ёритиб берилган.

II боб. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги ҳолати

2.1. Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги ҳолати таҳлили

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ташқи савдо алоҳида ўрин эгаллайди. 2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 2011 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 100,5 фоизни ташкил этиб, 26,4 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлди. Шу жумладан, умумий экспорт ҳажми 2011 йилга нисбатан 111,6 фоиз ёки 13,1 миллиард АҚШ долларини, импорт эса 109 фоиз ёки 12 миллиард АҚШ долларини ташкил этди⁴. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, миллиард доллар⁵

Диаграммадан кўринадики, 1990-2012 йиллар давомида мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси ҳажми 33 марта, экспорт ҳажми 29,8 марта ўсган. Экспортни рағбатлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва

⁴http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

⁵ Қуйидаги манба асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида республикамиз тўлов балансининг, хусусан, ташқи савдо балансининг барқарорлиги сақлаб қолинди.

Маълумки, Президентимиз И.А.Каримов ҳар йили ўтган йил якунлари ва жорий йил режаларига бағишлаб ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида мамлакатимиз тараққиётида эришилган натижалар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларида қўлга киритилган ютуқлар, шунингдек, келгусида алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган устувор вазифалар бўйича кенг қамровли дастурий маъруза қилади. Ушбу анъанага мувофиқ ҳолда, 2013 йилнинг 18 январь куни асосий мақсади Ўзбекистоннинг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини муҳокама этиш ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини тасдиқлаб олишдан иборат бўлган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ушбу мажлисда сўзлаган маърузасида ўтган йилда эришилган ютуқ ва натижалар тўғрисида тўхталар экан, “...авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади”⁶, деб эътироф этди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келган ва бугунги кунда сақланиб қолаётган жиддий муаммолар Ўзбекистон иқтисодиёти учун яна бир синовга айланди. Бу ҳақда фикр юритилганда, энг аввало ўзининг салбий оқибатлари билан дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таҳдид солиб келаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозни тилга олиш ўринлидир.

⁶Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2013 йил, 5-бет.

Маълумки, кўпчилик давлатлар учун катта ташвиш ва муаммолар туғдираётган, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишига тўсик бўлаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг белги-аломатлари ўтган асрнинг сўнгги чорагидан эътиборан ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида пайдо бўлган турли номутаносибликлар, хусусан, реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши оқибатида вужудга кела бошлаган эди. Ана шу мамлакатлардаги йирик молиявий муассасалар томонидан ўзининг хусусий корпоратив манфаатларини амалга ошириш мақсадида банк-молия соҳасидаги меъёр ва тартибларнинг қўпол тарзда бузилиши, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг реал активларидан спекулятив тарзда фойдаланиш орқали катта даромад олишга интилиш ва шу тариқа глобал молиявий муносабатлар тизимида жиддий нуксонларга йўл қўйиш, миллий иқтисодиётлардаги ялпи талабни қўллаб-қувватлаш, тобора ўсиб бораётган ташқи қарзларни чеклаш учун “арзон пуллар” сиёсатининг қўлланиши каби хатти-ҳаракатлар юзага келаётган номутаносибликларнинг янада кучайиб, муқаррар равишда инқироз ҳолатини келтириб чиқарадиган даражада тобора кескин тус олишига сабаб бўлди. Айниқса, молиявий маблағлардан спекулятив мақсадларда фойдаланишда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги молиявий муассасалар билан бир қаторда аҳолининг ҳам ипотекали кредитлаш тизими орқали кенг жалб қилиниши мазкур жараёнларнинг жадаллашуви ва охир-оқибатда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланишига сабаб бўлди. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида биринчилардан бўлиб бу жараённинг юзага келиши сабабларини кенг таҳлил этиб, қуйидаги масалаларга эътибор қаратди: “Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик

компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»⁷.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти “2013 йилда жаҳон иқтисодий ҳолати ва истикболлари” (World Economic Situation and Prospects 2013) мавзусидаги навбатдаги йиллик маърузасини тақдим этди. Мазкур ташкилотнинг баҳосига кўра, МДХ ҳудудидаги мамлакатларнинг иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб бормоқда ва бу узоқ муддатга чўзиладиган ҳолат ҳисобланади.

2012 йилда МДХ мамлакатлари ва Грузиянинг иқтисодий ўсиш суръатлари тахминан 3,8 фоизни ташкил этиб, бу потенциал кўрсаткичдан анча пастдир. Бунинг асосий сабаби – жаҳон иқтисодиётининг, айниқса, МДХ мамлакатларининг асосий иқтисодий ҳамкори бўлган Европа мамлакатлари иқтисодиётининг бекарорлигидир⁸.

Ташқи иқтисодий фаолиятда мамлакат давлат бюджетининг ҳолати муҳим рол ўйнайди. Маълумки, давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши давлат бюджети харажатларининг даромадларга нисбатан ортиб кетишига, яъни бюджет тақчиллигига олиб келади. Бюджет тақчиллигининг вужудга келишига қуйидагилар сабаб бўлади:


- ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши;
- харажатларнинг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши;
- товарлар билан таъминланмаган пул эмиссияси;
- ҳарбий саноат мажмуасини молиялаштириш бўйича сарф-харажатларнинг ўсиши;

⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

⁸Шохина Е. Всеобщая вялость // <http://expert.ru/2013/01/22/vseobschaya-vyalost/>

- яширин, яъни нолегал иқтисодиёт, унумсиз харажатлар, йўқотишлар ҳажмининг ўсиб бориши ва бошқалар.

Бюджет тақчиллигининг ўзгариши ташқи иқтисодий фаолият конъюнктурасидаги жорий тебранишлар, ишлаб чиқаришдаги даврий инқироз ва юксалишларни ҳам акс эттиради, инқирозлар даврида давлат бюджет маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг маълум секторларини молиявий таъминлаб туришга, умуммиллий аҳамиятга эга бўлган тармоқларда инвестициялар ҳажмини сақлаб қолишга мажбур бўлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида бюджет тақчиллигининг кучайиш ҳолати айниқса 2010 йилда Ирландия (32 фоиз), Греция (15,4 фоиз), Буюк Британия (11,1 фоиз) сингари мамлакатларда кескин намоён бўлган бўлса, мазкур кўрсаткичнинг 2012 йилда Япония (10 фоиз), АҚШ (8,7 фоиз), Буюк Британия (8,3 фоиз) ва бошқа мамлакатлардаги даражаси ҳамон юқорилигича қолмоқда (2.1.2-расм).



2.1.2-расм. Айрим мамлакатларда 2012 йил якунида давлат бюджети тақчиллиги даражаси⁹

Бюджет тақчиллигининг кучайиши муқаррар равишда давлат қарзини келтириб чиқаради. Мазкур ҳолат ташқи иқтисодий фаолиятга ҳам салбий таъсир этади. Бюджет тақчиллиги асосан давлат қарзи ҳисобидан қопланиб,

⁹Қуйидаги манба асосида тайёрланди: Дефицит бюджета развитых стран составит 5,9% ВВП в 2012 году и 4,9% – в 2013 году – МВФ // <http://news.mail.ru/economics/10516847/>

у ички ва ташқи қарзлардан иборат бўлади. Ички қарз давлатнинг мамлакат ичида заёмлар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш, бюджетдан ташқари турли фондлар (суғурта фонди, ишсизлик бўйича суғурталаш фонди, пенсия фонди) олинган қарзлардан иборат бўлса, ташқи қарз хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарз ҳисобланади.

Ташқи қарзнинг меъёридан ошиб кетиши миллий иқтисодиётдаги ташқи иқтисодий фаолият ривожига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташқи қарз бўйича тўловлар мамлакатнинг товар ва хизматлар экспортдан келадиган тушумнинг сезиларли қисми, масалан, 20-25 фоизидан ошиб кетса, бу ҳолат давлатнинг кредит бўйича рейтингини пасайтириб юборади. Натижада четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушкуллашади. Шунга кўра, давлатлар мунтазам равишда ташқи қарзни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириб боради.

Бундай чора-тадбирлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: мамлакатнинг олтин-валюта захираси ҳисобидан қарзларни тўлаб бориш; кредиторларнинг қарзларни тўлаш муддатларини ўзгартиришлари, айрим ҳолларда уларнинг маълум қисмидан воз кечишларига эришиш; қарзларни мамлакатдаги кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, капиталда иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларни сотиш ҳисобидан тўлаш; халқаро банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан ёрдам олиш ва ҳ.к.

Жаҳондаги 50 та йирик давлатнинг ташқи қарзи 65 триллион долларга етди, бироқ бу ҳали сўнгги чегара эмас: Европа комиссиясининг маълумотиغا кўра евроҳудуддаги аксарият давлатларнинг ташқи қарзи фақат ўсиб бормоқда. Хусусан, Испания, Франция, Греция, Португалия ва Ирландияда 2012-2013 йиллардаги ЯИМга нисбатан қарзнинг кўпайиши кутилмоқда.

Халқаро кредиторлар ташкилоти (WOC) таҳлилчилари мавжуд ҳолатни ўрганган ҳолда, кейин йилларда йирик иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларнинг ташқи қарзи қисқармасдан, аксинча ўсиб бормоқда, деган тўғрисидаги хулосага келдилар. Шундай қилиб, иқтисодий ўсиш давлат

томонидан иқтисодиётга маблағ, жумладан, норезидентлардан қарз олиш ҳисобидан киритилишини талаб этади.

2.1.1-жадвал

Ташқи қарз ҳажми бўйича мамлакатлар рейтинг¹⁰

2011 йилдаги ўрни	Мамлакат	2011 йилдаги ташқи қарз ҳажми, млрд.долл	Йил давомидаги ўзгариш	ЯИМга нисбатан фоизда
1	АҚШ	15033	8%	100%
2	Буюк Британия	9836	10%	407%
3	Франция	5633	20%	203%
4	Германия	5624	19%	157%
5	Япония	2719	11%	46%
6	Италия	2684	21%	122%
7	Нидерландия	2655	12%	316%
8	Испания	2570	19%	172%
9	Ирландия	2352	3%	1081%
10	Бельгия	1399	13%	272%
11	Австралия	1377	9%	93%
12	Швейцария	1346	12%	212%
13	Канада	1181	17%	68%
14	Швеция	1016	19%	189%
15	Гонконг	903	20%	371%
...				
23	Россия	519,4	6%	28%

Ташқи қарз ҳажми бўйича 2012 йилги мамлакатлар рейтингига назар ташлайдиган бўлсак, бунда аксарият ҳолларда етакчи давлатлар ўтган йилги ўринларини сақлаб қолганини кўрамиз (2.1.1-жадвал). АҚШнинг ташқи

¹⁰ Рейтинг стран по объему внешнего долга <http://www.vestifinance.ru/articles/11572>

қарзи, 2011 йил якунлари бўйича, ЯИМ ҳажмига тенг бўлди. Бироқ, мазкур кўрсаткич бўйича рейтингда АҚШ етакчи ўринларда эмас. Ирландиянинг ташқи қарзи мамлакат ЯИМ ҳажмидан 10 баробардан зиёд, Буюк Британияники 4 баробар, Нидерландия ва Гонконгники эса 3 баробар кўп. Фақат Японияда бу кўрсаткич 50 фоиздан паст бўлиб, бироқ бу мазкур мамлакат учун қарз рейтингдаги ягона ижобий ҳолат ҳисобланади. Япониянинг ички қарздорликни ҳам ўз ичига оладигандавлат қарзи даражаси ЯИМга нисбатан 226 фоизни ташкил этади. Бундай юқори кўрсаткич мамлакатда 2011 йилда рўй берган цунами оқибатларига қарши кураш кўпроқ миллий валютадаги ички молиявий маблағлар ҳисобидан олиб борилаётгани билан изоҳланади¹¹.

Ўтган йили эришилган муҳим ижобий натижалар қаторида Президентимиз ташқи қарз даражасининг пастлигига алоҳида эътибор қаратиб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: “Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича “ўртачадан ҳам кам” даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда”¹².

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, Ўзбекистонда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига жуда

¹¹Рейтинг стран по объему внешнего долга <http://www.vestifinance.ru/articles/11572>

¹²Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, Тошкент, “Ўзбекистон”, 2013 йил, 6-бет.

катта ижобий натижалар қўлга киритилмоқда, иқтисодиётимизда жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига эришилмоқда. Буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигининг ўсишига, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрни ва мавқеининг тобора ортиб боришига мустаҳкам замин яратмоқда.

2012 йилда экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этди (2.1.2-жадвал).

2.1.2-жадвал

2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркиби, миллион доллар¹³

Экспорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011йилга нисбатан(фоизда)	натижага нисбатан(фоизда)
Жами:	13150,1	111,6	100
пахта толаси	1259,7	93,5	9,6
озиқ-овқат маҳсулотлари	878,4	44,1	6,7
кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	764,8	91,2	5,8
ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	4921,2	177,1	37,4
қора ва рангли металлар	1055,2	94,6	8,0
машина ва ускуналар	917,7	91,9	7,0
Хизматлар	2314,2	130,6	17,6
Бошқалар	1034,9	48,8	7,9

Жадвалдан кўринадики, 2012 йилда олдинги йилга нисбатан мамлакатимизда ёқилғи ва нефть маҳсулотлари экспорти деярли 1,8 марта, хизматлар экспорти эса 1,3 марта ошган. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти эса ўтган йилги даражадан деярли 2,3 марта камайган.

¹³http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

Шуниси диққатга сазоворки, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормокда. Буни экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси орқали кузатиш мумкин (2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда¹⁴

Экспорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

Жадвалдан кўринадики, 1990-2012 йиллар давомида экспорт таркибида пахта толасининг улуши 59,7 фоиздан 9,6 фоизга, яъни 6 баробардан кўп қисқарди. Натижада экспортнинг хомашёга боғланиб қолиш муаммоси тўла барҳам топди. Аксинча, хизматлар экспортининг улуши 13,5 марта, машина ва ускуналар – 4,1 марта, кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар – 2,5 марта, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари – 2,2 марта, озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг улуши 1,7 марта ўсгани экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида хомашё бўлмаган тайёр товарлар улушининг

¹⁴ http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

ошишига ҳамда экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланишига замин яратди.

2012 йилда мамлакатимиз импорт ҳажми 9 фоизга ўсиб, унинг умумий қиймати 12026,5 миллион долларни ташкил этди (2.2.4-жадвал).

Импорт таркибида хизматлар (130,1 фоиз), кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар (122,2 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотлари (119,4 фоиз) сезиларли даражада ошди. Аксинча, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари импорти ўтган йилга нисбатан камроқ (90,2 фоиз) бўлди.

2.2.4-жадвал

2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг импорт таркиби, миллион доллар¹⁵

Импорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011 йилга нисбатан (фоизда)	натижага нисбатан (фоизда)
Жами:	12026,5	109	100
оziқ-овқат маҳсулотлари	1187,5	119,4	9,9
кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	1738,1	122,2	14,4
ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	875	90,2	7,3
қора ва рангли металлар	937,9	108,7	7,8
машина ва ускуналар	5461,3	109,3	45,4
Хизматлар	730,3	130,1	6,1
Бошқалар	1096,4	88,9	9,1

Агар мамлакатимиз импорти таркибининг йиллар давомидаги динамикасини кузатадиган бўлсак, унда ҳам маълум сифат ўзгаришлари юз берганини кўриш мумкин (2.2.5-жадвал).

¹⁵ http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

**Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибининг йиллар бўйича
динамикаси, фоизда¹⁶**

Импорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	41,3	45,4
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	9,7	13,6	13,3	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	8,1	7,3
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,1	7,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	12,4	9,9
Хизматлар	1,5	8,5	5,3	6,1
Бошқалар	14,5	17,8	11,5	9,1

Таъкидлаш лозимки, импорт таркибида машина ва ишлаб чиқариш ускуналари улуши 2012 йилда 45,4 фоизни ташкил қилиб, бу 1990 йилга нисбатан деярли 4 баробар кўпдир. Мазкур ҳолат мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш жараёнларини амалга оширишда замонавий ва юқори технологияларга асосланган машина ва ишлаб чиқариш ускуналарига бўлган эҳтиёж биланизоҳланади. Бу эса мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосларининг тобора ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади. Шунингдек, ушбу даврда хизматлар импорти улушининг 4 баробардан зиёд ўсиши мамлакатимизда замонавий хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ўсиб бораётганидан дарак беради.

¹⁶ Қуйидаги манба асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

2.2. Республика ташқи иқтисодий фаолиятига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтиришнинг чора-тадбирлари ва натижалари

Маълумки, Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистоннинг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини муҳокама этиш ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини тасдиқлаб олишдан иборат бўлган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида сўзлаган маърузасида ўтган йилда эришилган ютуқ ва натижалар тўғрисида тўхталар экан, “...авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида хали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади”¹⁷, деб эътироф этди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келган ва бугунги кунда сақланиб қолаётган жиддий муаммолар Ўзбекистон иқтисодиёти учун яна бир синовга айланди. Бу ҳақда фикр юритилганда, энг аввало ўзининг салбий оқибатлари билан дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таҳдид солиб келаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозни тилга олиш ўринлидир.

Маълумки, кўпчилик давлатлар учун катта ташвиш ва муаммолар туғдираётган, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишига тўсиқ бўлаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг белги-аломатлари ўтган асрнинг сўнгги чорагидан эътиборан ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида пайдо бўлган турли номутаносибликлар, хусусан, реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши оқибатида вужудга кела бошлаган эди. Ана шу мамлакатлардаги йирик молиявий муассасалар томонидан ўзининг хусусий корпоратив манфаатларини амалга ошириш мақсадида

¹⁷Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2013 йил, 5-бет.

банк-молия соҳасидаги меъёр ва тартибларнинг қўпол тарзда бузилиши, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг реал активларидан спекулятив тарзда фойдаланиш орқали катта даромад олишга интилиш ва шу тариқа глобал молиявий муносабатлар тизимида жиддий нуқсонларга йўл қўйиш, миллий иқтисодиётлардаги ялпи талабни қўллаб-қувватлаш, тобора ўсиб бораётган ташқи қарзларни чеклаш учун “арзон пуллар” сиёсатининг қўлланиши каби хатти-ҳаракатлар юзага келаётган номутаносибликларнинг янада кучайиб, муқаррар равишда инқироз ҳолатини келтириб чиқарадиган даражада тобора кескин тус олишига сабаб бўлди. Айниқса, молиявий маблағлардан спекулятив мақсадларда фойдаланишда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги молиявий муассасалар билан бир қаторда аҳолининг ҳам ипотекали кредитлаш тизими орқали кенг жалб қилиниши мазкур жараёнларнинг жадаллашуви ва охир-оқибатда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланишига сабаб бўлди. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида биринчилардан бўлиб бу жараённинг юзага келиши сабабларини кенг таҳлил этиб, қуйидаги масалаларга эътибор қаратди: “Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»¹⁸.

Жаҳоннинг етакчи ривожланган мамлакатлари ҳам инқирознинг олдини олиш, унинг таъсир даражасини пасайтириш борасида турли шакл ва

¹⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

кўламдаги ҳаракатларни бошлаб юборди. Жумладан, ушбу чора-тадбирларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг “Катта йигирмалик” деб ном олган гуруҳи доирасида бир неча бор саммитлар ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда (2.1.1-жадвал).

Дастлаб бу чора-тадбирлар 2009-2010 йилларда маълум натижа бергандек бўлди. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръатларининг пасайиши тўхтатилди, айрим мамлакатларда ишлаб чиқариш ўсди, инвестицион фаоллик жонланди. Бироқ, ушбу чора-тадбирлардаги ўзаро мутаносиблик даражасининг пастлиги, инқирозга қарши курашиш йўллари ва воситаларини қўллашдаги изчилликнинг йўқлиги уларнинг самарасини кескин пасайтириб юборди, аксарият ҳолларда кўзланган натижаларга эришиш имконини бермади.

2.2.1-жадвал

“Катта йигирмалик - G20” саммитлари ва уларда кўриб чиқилган асосий муаммолар¹⁹

Саммит рақами	Ўтказилган санаси	Ўтказилган жойи	Кўриб чиқилган муаммолар ва қабул қилинган қарорларнинг қисқача мазмуни
	2008 йил 14-16 ноябрь	Вашингтон (АҚШ)	Саммит қатнашчиларининг қўшма баёнотида молиявий бозорлар ҳамда кегусидаги инқирозларнинг олдини олиш учун иқтисодий ривожланишни тартибга соладиган талаб ва меъзонларни мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларнинг бешта тамойили тасдиқланди.
	2009 йил 2 апрель	Лондон (Буюк Британия)	Жаҳон молия тизимини жиддий ислоҳ қилиш бўйича олти асосий шартдан иборат келишувга эришилди: 1) Халқаро валюта жамғармаси ресурсларини кўпайтириш ва инқироздан энг кўп жабр чеккан мамлакатларга ёрдам кўрсатиш учун маблағ ажратиш; 2) “солиқ водийлари” деб ном олган алоҳида ҳудудларнинг пайдо бўлишига қарши курашиш; 3) компаниялар ва банкларнинг менежментлари учун бонус тўловларини тартибга солиш; 4) конъюнктурага оид чора-тадбирларнинг миллий ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш; 5) молиявий бозорлар устидан назоратни кучайтириш; 6) миллий иқтисодиётларнинг барқарорлигини таъминлаш. Асосий яқун – бир ярим йил ичида G20 қатнашчилари 5 триллион доллар миқдоридаги маблағни иқтисодий муаммоларни ҳал этишга йўналтиради. Мазкур маблағнинг бешдан бир қисми Халқаро валюта жамғармасига ўтказилади.

¹⁹“Группа двадцати” (G20): состав, цели и хроника встреч // <http://ria.ru>


2009 йил 24-25 сентябрь	Питтсбург (АҚШ)	G20 глобал иқтисодиёт муаммоларини ҳал этиш учун асосий халқаро анжуман бўлиб қолиши ҳақида қарор қабул қилинди. Компанияларнинг топ-менежерлари учун бонусларни чеклаш ҳамда жаҳон молиявий институтлари квоталарини ривожланаётган мамлакатлар фойдасига қайта тақсимлаш тўғрисида келишиб олинди.
2010 йил 26-27 июль	Торонто (Канада)	G20 аъзолари 2013 йилнинг охиригача савдо ва инвестициялар соҳасидаги протекционистик чораларни, шунингдек, янги экспорт чекловларини киритишни тақиқлаш тўғрисида келишиб олдилар. 2011 йилдан бошлаб бюджет тақчиллигини қисқартириш жараёнларига киришиш, натижада икки йилдан сўнг бюджет тақчиллигини 2 баробар камайтиришга келишилди. Молия институтлари банкротлиги ҳамда банкротлик чоғида солиқ тўловчиларни ҳимоя қилиш тамойиллари қабул қилинди. Коррупция ва унинг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсирига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга оид ишчи гуруҳ тузилди.
2010 йил 11-12 ноябрь	Сеул (Жанубий Корея)	“Валюта урушлари”га қарши чоралар ишлаб чиқилди. Валюта курсларининг ҳаддан ортиқ пасайиб ёки ошиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга йўналтирилган валюталарнинг рақобатлашув асосидаги девальвациясидан ўзни тийиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Савдо ва молиявий протекционизмга йўл қўймаслик борасида келишиб олинди.
2011 йил 3-4 ноябрь	Канна(Фран ция)	Жаҳон иқтисодиёти ҳолати, жаҳон валюта-молия тизимини ислоҳ қилиш ва молия бозорларини тартибга солиш, шунингдек, хомашё товарлари нархларининг ўзгариб туриши билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилди. Бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашишни кучайтириш муаммоларига эътибор қаратилди. Европа Иттифоқининг кредит кўмаги юзасидан референдум ўтказишдан воз кечишга Грециямажбур қилиниб, халқаро валюта жамғармасиресурслари ҳажмини кўпайтиришга қарор қилинди.
2012 йил 18-19 июнь	Лос-Кабос (Мексика)	Молиявий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий инкироз оқибатларини бартараф этиш мақсадида ишлатилиши мумкин бўлган халқаро валюта жамғармаси захирасини кўпайтириш учун қўшимча 450 миллиард доллар ажратишга қарор қилинди.

2011 йил инкирознинг иккинчи тўлқини бошланиши эҳтимоли билан боғлиқ равишда жаҳон бозорларида ваҳималарнинг қайтадан кучайиш даври бўлди. Айниқса, евроҳудуддаги қарздорлик даражаси кескин ортиб, унинг банк тизими ва иқтисодиётнинг реал секторига тарқалиши кузатилди. Европа сиёсатчилари яқдил бир қарорга келишда сусткашлик ва лаёқатсизликни намоён этишда давом этдилар.

Инвесторлар қарздорлик муаммоларини тартибга солиш мумкинлигига, банкларнинг барқарорлигига ва Европа иқтисодиётининг истикболларига нисбатан ишончни йўқота бошлади. Ликвид маблағлар бозоридаги танглик ўсиб, борган сари янги-янги мамлакатлар “муаммоли” давлатлар қаторига

кўшила бошлади. Ниҳоят, Европадаги умумий иқтисодий ўсишдаги пасайиш реал таҳдидга айлана бошлади.

Европа Иттифоқи томонидан мазкур қитъа ҳудудидаги молиявий инқироз келтириб чиқараётган турли оқибатларни бартараф этишга йўналтирилган институционал механизмларни яратиш борасидаги чоратадбирларга қарамасдан 2012 йилда Жанубий Европанинг тўртта мамлакати – Италия, Испания, Португалия ва Грецияда ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилди. Евроҳудуддаги ЯИМнинг пасайиши 0,3 фоизни, Европа Иттифоқи бўйича эса 0,2 фоизни ташкил этди²⁰. Ривожланган мамлакатлардаги ЯИМ ўсиш суръатларидаги беқарорлик ҳали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирлари давом этаётганини кўрсатади (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. Айрим ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)

Жаҳондаги етакчи мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръатларининг беқарорлигига, бир томондан, инқирозга қарши курашиш чоралари бўйича давлатлар раҳбарлари ўртасидаги ўзаро яқдилликнинг йўқлиги, иқтисодий сиёсатда уйғунликка эришмаслик замин яратса, бошқа томондан, йирик иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларнинг ички сиёсий беқарорлиги ҳам бунга жиддий таъсир кўрсатади. Айниқса, кейинги пайтда ҳар қайси

²⁰Перспективы развития мировой экономики в 2013 году // <http://www.webeconomy.ru>

мамлакатдаги иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида валюта курсларининг бозор механизмлари орқали эркин шаклланишига турли йўллар билан таъсир кўрсатиш, жумладан, “валюталарнинг рақобатга асосланган девальвацияси” сиёсатининг олиб борилиши оқибатида “валюта урушлари” хавфининг кучайиши каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, 2012 йил ноябрь ойидан бошлаб Япониянинг янги ҳукумати дефляция муаммосини ҳал этиш мақсадида ўз иқтисодиётига сезиларли даражадаги валюта маблағларини киритиши ушбу мамлакатнинг миллий валютаси-иенақувватининг 20 фоизга қадар пасайишига олиб келиб, бу ҳолат бошқа мамлакатлар раҳбарларининг норозилигига сабаб бўлди²¹. Шунингдек, АҚШда юзага келиши мумкин бўлган “фискал жарлик” мамлакат бюджет сарфларининг кескин қисқариши ҳамда ишлаб чиқаришнинг пасайиши эҳтимолини туғдирмоқда. АҚШ жаҳондаги йирик импорт қилувчи мамлакат ҳисобланиши сабабли ушбу ҳолат жаҳондаги бошқа мамлакатлар иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин²².

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози рўй берган дастлабки палладаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига ҳаққоний баҳо бериб, “жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ”²³, деб хулоса чиқарган эди. Бундай объектив хулосалар асосида Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзида Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирларни изчил равишда амалга оширишга киришилди²⁴.

²¹ Финансовая G20 объявила перемирие на валютной войне // <http://ria.ru/economy>

²² Перспективы развития мировой экономики в 2013 году // <http://www.webecconomy.ru>


²³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 6-б.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2012, 6-7-б.

Халқаро иқтисодий муносабатларда ҳали ҳануз ўз таъсирини кўрсатиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобаллашув жараёнида мамлакат иқтисодиётини бошқариш ва тараққий этишда ҳар томонлама ёндошиш талаб этилишини яққол намоён этди. Ушбу инқироз жаҳон иқтисодий ривожланиш тарихида “ўзбек модели” деб ном олган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши йўлининг ҳаётийлигини тасдиқлаб берди ва бугунги кунда бутун дунё ҳамжамияти уни ғоятда қизиқиш билан таҳлилий ўрганишга киришди.

Ўзбекистон ўзи танлаган мустақил тараққиёт йўлидан бориб, бозор муносабатлари тизимини шакллантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, турли соҳа ва тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш вазифаларини амалга ошириб келмоқда.

Глобал жаҳон иқтисодиётидаги юқорида баён этилган жиддий муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамасдан, 2012 йилда юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносибликни таъминлаганимиз ўзига хос ижобий кўрсаткич бўлди (2.2.2-расм).




2.2.2-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда²⁵

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Расмдан кўринадики, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бир оз пасайиш рўй берди.

Бироқ, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат натижасида шаклланган омиллар шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишни таъминламоқда (2.2.2-расм). Мазкур омиллар таъсирида 2012 йилда мамлакатимизда ЯИМнинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилиб, унинг мутлақ ҳажми 96,6 триллион сўмга тенг бўлди. Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин бўлмоқда (2.2.2-жадвал).



2.2.3-расм. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият самарадорлиги ва унинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаётган омиллар²⁶

2.2.2-жадвал

²⁶ Қуйидаги манба асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти – <http://www.cbu.uz/uzc/node/39959>

**Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш
суръатлари, фоизда²⁷**


Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2

Жадвалдан кўринадики, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2012 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 7,7 фоизга ошди ва 50,7 триллион сўмни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 7,0 фоизга ошиб, 24,4 триллион сўмни ташкил қилди. Ўтган йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52 фоиздан зиёдни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2011 йилга нисбатан 13,9 фоизга ўсиши кузатилди.

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбикорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

бормоқда. Натижада 2012 йилда кичик бизнес субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхонлари ва микрофирмалар сони 23,3 мингтага ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 219,4 мингтага (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) етди. Кичик бизнеснинг ЯИМ таркибидаги улуши 54,6 фоизни ташкил қилди (2.1.5-расм).



2.2.4-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда²⁸

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ҳамда изчил олиб борилаётган пухта ўйланган, самарали иқтисодий сиёсат пировардида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратди. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг давом эттирилишига, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришнинг таъминланишига, мамлакатимизнинг дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлашига асос бўлди.

Бир пайтнинг ўзида Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига хорижий капитал ҳам фаол жалб этилди. Хорижий капитал ва технологиялар негизида минтақада рақобатбардош ишлаб чиқариш пайдо бўлди.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

II боб бўйича хулосалар

Ташқи иқтисодий фаолиятда мамлакат давлат бюджетининг ҳолати муҳим рол ўйнайди. Маълумки, давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши давлат бюджети харажатларининг даромадларга нисбатан ортиб кетишига, яъни бюджет тақчиллигига олиб келади. Бюджет тақчиллигининг вужудга келишига қуйидагилар сабаб бўлади:

- ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши;
- харажатларнинг хаддан ташқари ўсиб кетиши;
- товарлар билан таъминланмаган пул эмиссияси;
- ҳарбий саноат мажмуасини молиялаштириш бўйича сарф-харажатларнинг ўсиши;
- яширин, яъни нолегал иқтисодиёт, унумсиз харажатлар, йўқотишлар ҳажмининг ўсиб бориши ва бошқалар. Умуман бу бобда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги ҳолати, мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги ҳолати таҳлили ва Республика ташқи иқтисодий фаолиятига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтиришнинг чора-тадбирлари ва натижалари ёритилиб берилган.

**III боб. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни жаҳон молиявий-
иқтисодий инқирозидан сўнгги истиқболли йўналишларини
прогноزلанишнинг асосий йўллари**

**3.1. Ташқи иқтисодий фаолиятни прогноزلанишнинг жаҳон тажрибалари
ва улардан Республикада фойдаланиш имкониятлари**

Истиқлол шароитида Ўзбекистон мустақил ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошира бошлади. Мустақил ташқи иқтисодий фаолият юритиш учун тегишли ташкилий шарт-шароитлар яратилди: Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки очилди. Бундан ташқари ташқи иқтисодий фаолият учун ҳуқуқий асос яратиш мақсадида «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги фаолиятни тартибга солишга йўналтирилган бир қатор фармонлари қабул қилинди, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиқарилди.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган бу чоралар дунёда иқтисодиётнинг глобаллашуви ва ягона жаҳон иқтисодини яратиш жараёнлари кечаётганини ҳисобга олиб амалга оширилмоқда.

Миллий иқтисодиётда ташқи иқтисодий фаолиятни, шунингдек, миллий ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларни ташқи таъсирдан ҳимоялаш мақсадида истиқболли чора-тадбирлар кўрилади. Кўпгина мамлакатлар иқтисодий ривожланишда кучли протекционизм ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичидан ўтадилар, кейин эса аста-секин экспортга йўналиш томонга силжийдилар. Кўпинча импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий мустақилликка эришишнинг усули бўлиб хизмат қилади.

Мамлакат иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларига эришишни истар экан, аста-секин экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсатга ўтиш муқаррардир. Шу билан бирга, экспортга йўналтирилган

ташқи иқтисодий фаолиятни шакллантириш учун обдон тайёргарлик кўриш кераклигани таъкидлаш лозим. Бозор тамойиллари бўш ривожланган иқтисодиётларда протекционизмни бартараф қилиш, ресурсларнинг экспортга йўналтирилишига эмас, улардан тайёр, пировард маҳсулот ишлаб чиқаришларига олиб келади. Тузилмани муваффақиятли тартибга солиш учун инвестициялар талаб қилинади, бироқ тадбиркорлар, шу жумладан кичик ва хусусий бизнес, иқтисодий кўрсаткичлар зарур йўналишда силжиш мумкинлигидан далолат бермагунча, ўзлари хоҳлаган секторга ҳам маблағ ётқизишлари амри маҳол.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, ташқи иқтисодий фаолиятда экспортга йўналтирилганлик мамлакат иқтисодиётини ташқи бозорга ҳаддан ташқари боғлиқ қилиб қўяди. Бу фикр муайян асосга эга: ташқи бозорда конъюнктуранинг пасайиши ёки рақобатнинг кучайиши туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг пасайиши бюджетдаги йўқолишларга, тўлов балансидаги беқарорликка олиб келади. Шу билан бирга, зарарнинг ҳажми иқтисодиётнинг қудрати ва диверсификацияланишига, шунингдек, ҳукуматнинг ҳамда ишбилармон доираларнинг қатъий ва тўғри қарорлар қабул қилиши ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш мақсадида зарур ўзгаришларни тезликда амалга ошириши ёки ташқи савдодаги устуворликларни тез алмаштира олишига боғлиқ.

Экспорт салоҳиятини оширишга стратегик ёндашувни амалга оширишда бозор мурватларига, айниқса, Жаҳон савдо ташкилоти янги қоидалари муносабати билан ташқи савдога давлатнинг кучли аралашуви мақбул ёки мақбул эмаслиги тўғрисидаги савол табиий равишда кўндаланг бўлади. Савдодаги шерикларнинг давлат аралашувига қарши чоралар, давлат бошқарувида хатоларга йўл қўйилиши мумкинлиги ҳам шунга ишора қилади. Шу муносабат билан Шарқий Осиё мамлакатлари тараққиётига мурожаат қилиш ўринлидир.

Дунё мамлакатлари ҳозирги даврда ташқи иқтисодий фаолиятни жуда кўп турдаги прогноз усулларида фойдаланиб иқтисодий ривожланиш истиқболларини белгилайди. Улардан энг кенг тарқалганлари: эксперт баҳолаш ва сўров (корхона раҳбарияти фикрларини умумлаштириш ёрдамида истиқболлаш, истеъмолчиларнинг орасида сўров ўтказиш натижалари бўйича истиқболлаш), иқтисодий – математик усуллар (экстropolация ва кўп омилли моделлаштириш). Бундан ташқари, турли иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳаракатланиш қонуниятларига асосланган ёндашув ва усуллардан фойдаланилади. Масалан, йирик концернлар баъзида тармоқлараро баланслар матричасини тузиш ва ундан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бозорлардаги ҳолатларни мураккаблашуви ва қарорларининг қабул қилинишини тезлашуви конъюнктурани истиқболлашда математик усуллардан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Масалан, Буюк Британияда ўтказилган сўров натижаларига кўра, сўров ўтказилган корхоналарнинг 83% уларнинг тижорат фаолиятларига истиқболлашнинг иқтисодий – математик усуллари тadbик этиш мақсадга мувофиқлигини қайд этганлар. Эконометрик модел ва математик усуллардан фойдаланишнинг долзарблиги конъюнктурани истиқболлаш ва тadbик этиш самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Математик моделлардан фойдаланиш жуда кўп омиллар таъсирини ҳисобга олиш, уларнинг ичидан товар конъюнктурасини шакллантиришдаги асосий аҳамиятга эга бўлганларини ажратиш, корхона раҳбарияти диққатини қаратиши лозим бўлган йўналишни аниқлаш имконини беради. Қуйида сўров ўтказилган АҚШ компанияларининг истиқболлашнинг турли усулларида фойдаланиши ва улар ҳақида маълумотга эга эканлиги бўйича жадвал келтирилган.

3.1.1-жадвал

Ривожланган мамлакатлардаги компанияларнинг турли истиқболлаш усулларида фойдаланиш даражалари

Усуллар номи	Ушбу усул билан таниш бўлган корхоналарнинг фойдаланиш даражаси	Ушбу усулни аввал ҳам қўллаган корхоналарнинг фойдаланиш даражаси	Бу усулларни билмайдиганлар даражаси
Корхона раҳбариятининг фикрларини умумлаштириш	82	89	6
Регрессив таҳлил	76	91	8
Савдо вакиллари фикрларини умумлаштириш	74	82	10
Иқтисодий моделлар	65	88	12
Истеъмолчилар фикрлари бўйича сўровлар	57	78	15
Бокс - Дженкинс усули	40	71	39

Мазкур маълумотлар ривожланган мамлакатлардаги нинг 800 та йирик компаниялари орасида ўтказилган сўров асосида олинган.

Сўров ўтказилган компанияларнинг таркиби:

44,4% - асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар.

26,2% - истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар.

29,4% - бошқа соҳаларда банд бўлганлар.

Сўров ўтказилган компанияларнинг савдо айланмаси:

38,4% - 100 млн. долл.дан кам.

30,4% - 100-500 млн. долл.оралиғида.

31,2% - 500 млн. долл.дан ортиқ.

Манба: Methods and applications, P. 638

Бозор конъюнктурасини истиқболлашда уларнинг аниқлик даражаси ҳам алоҳида эътиборга лойиқ, чунки истиқболлаш натижасида олинган ва ҳақиқий кўрсаткичлар орасидаги фарқларнинг катталиги қабул қилинадиган қарорлар тўғрилигига акс таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам истиқболлашнинг аниқлик даражасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда ҳозирги замон иқтисодий назарияси ва экспортга йўналтирилган тараққиётни тартибга солишда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланишни тақазо этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” деб номланган маърузасида ўтган йилда амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил этилди. Шу билан бирга унда мамлакат ҳаётида эришилган ижобий натижа ва ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, 2013 йилдаги вазифаларнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2013 йил ва яқин истиқболдаги прогноз кўрсаткичлари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари кескин ўсиб бормоқда. Хусусан, автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари 2012 йилдан бошлаб ўсганини кўриш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, яқин ва узоқ истиқболда инновация сиғими юқори ва юксак технологик саноат маҳсулотларини (енгил ва юк автомобиллари, холодильниклар, телевизорлар, энергия тежайдиган лампалар ва бошқалар) ишлаб чиқариш кескин ўсиб боради (3.1.1-жадвал).

Айни вақтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ижобий тенденциясини кимё саноатида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, чуқур модернизация диверсификация жараёнлари натижасида келажакда калийли ўғитлар ишлаб чиқаришни 4 маротаба ошиш имконияти яратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз енгил саноати салоҳиятидан оқилона фойдаланиш натижасида ушбу соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши кузатилмоқда ва бу тенденция истиқболда янада ортиб боради.

3.1.1-жадвал

Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози²⁹

Саноат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013 (прогноз)	2014 (прогноз)	2015 (прогноз)
Енгил автомобиллар	минг дона	235,5	245,0	250,0	260,0
Автобус ва юк автомобиллари	минг дона	3,7	3,0	3,1	3,2
Кучли ток кабеллари	минг км	13,6	13,5	14,0	14,5
Холодильниклар	минг дона	17,8	90,0	95,0	110,0
Телевизорлар	минг дона	26,7	105,0	109,0	112,5
Энергия тежайдиган лампалар	минг дона	2007,6	28400,0	28700,0	28870,0
Калий ўғитлари	минг тонна	125,3	200,0	300,0	450,0
Калцийланган сода	минг тонна	92,0	100,0	100,0	100,0
Қурилиш ойнаси	минг кв.м.	13051,4	12140,0	12530,0	13000,0
Керамик плиталар	минг кв.м.	4350,0	3800,0	4500,0	5800,0
Пахтадан ип-калава	минг тонна	140,6	345,6	435,2	524,0
Тайёр газмоллар	Миллион кв.м.	56,4	241,4	268,2	304,0
Трикотаж буюмлар	Миллион дона	64,6	132,7	162,3	241,3
Пайпоқлар	Миллион жуфт	3,2	30,2	42,1	48,0

Яқин ва узоқ истиқболда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиб боришига иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш борасидаги ислохотлар замин яратди.

²⁹ Прогноз кўрсаткичлари 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур асосида тузилган

Хусусан, Президентимиз томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, “2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор. Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади”³⁰.

Ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш иқтисодиётни ривожланишини, айрим тармоқ ҳудуд, илмий-техник тараққиёт, аҳоли кўпайиши ва турмуш даражасини, ресурслар ҳажми, ташқи иқтисодий конъюнктурани ва экологияни олдиндан айтиб бериш билан шуғулланади. Энди корхона экспорт салоҳиятини прогнозлаш хусусида тўхталамиз.

Кузатилаётган жараёнда биринчи босқич - прогнозлаш. Прогноз натижасида иқтисодиётнинг мумкин бўлган ривожланиш имкониятлари ва жамият эҳтиёжларини қондириш, ресурслардан самарали фойдаланиш масаласи ҳал этилади.

Прогнозлашнинг асосий функцияларига: иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник жараёнлар ва қонуниятларни илмий таҳлил этиш, келгуси эҳтимолли ва кўпвариантли ривожланиш, муаммолар ва қонуниятларни олдиндан кўра билиш, бу жараёнларга фаол таъсир этиш имкониятларни баҳолаш ҳисобланади.

Биз қараётган тизимлар ижтимоий-иқтисодий бўлиб унинг таҳлили анча мураккаб ҳисобланади. Мураккаб объектларни бошқаришда тизим назариясидан, хусусан тизимли таҳлилдан фойдаланилади. Прогнозлашнинг эконометрик моделлари ана шундай ёндошишга асосланган.

Прогнозларни турларга ажратиш мақсад, вазифа, объект, вақт, илмий-услубий ва ташкилий, натижавий кўрсаткичларга қараб амалга оширилади.

³⁰ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 21 январь.

Ижтимоий-иқтисодий прогнозларни асосий мезонлар бўйича турларга ажратамиз.

Прогноз жабҳаси жиҳатидан халқаро прогнозлардан тортиб корхона ривожини прогнозлашга кадар ўзгаради. Бу ерда қуйидаги гуруҳларни кўриш мумкин.

- халқаро иқтисодий, жаҳон бозори ва ташқи савдо конъюнктурасини прогнозлари;
- миллий иқтисодиёт ва тармоқлараро балансни прогнозлари;
- иқтисодиёт комплекслари, ёқилги энергетика агросаноат комплекси ва хоказо;
- иқтисодиётнинг айрим тармоқларини прогнозлари;
- минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини прогнозлари;
- корхона, бирлашма ва фирма фаолиятини прогнозлари.

Прогнозлаш усулларини иккита гуруҳга ажратиш мумкин:

Мантикий - эвристик усуллар ва моделлаштириш усуллари. Мантикий усуллар ҳақиқатни мантиқ асосида топишга боғлиқ. Бу гуруҳга тўртта усуллар: формал мантик, аналогия, эксперт баҳолаш ва эвристик усуллар киради.

Моделлаштириш усуллари математик ва статистик тадқиқотларга, компьютер ёрдамида ривожланиш омиллари ва қонунларини топишга ва эксперимент ўтказишга асосланган. Қуйи гуруҳ сифатида экстраполяция, эконометрик моделлаш, норматив-мақсадли ва имитация усулларини ажратиш мумкин. Комплекс усуллар мантикий-эвристик ва моделлаштиришни биргаликда қўллашни тақозо этади.

Дарҳақиқат, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, хусусан ташқи иқтисодий фаолиятни истиқболли йўналишларини прогнозлаш мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларининг барақарор ўсишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

3.2. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнгги истиқболлини белгилаш

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан марказлаштирилган ҳолда бошқарувининг кучайтирилиши ва бу соҳанинг монополлаштирилиши шунга олиб келдики, бирон-бир товарнинг экспорт ёки импорт қилувчи ҳукмрон ташкилоти мавжуд эди. Ташқи иқтисодий фаолиятни маъмурий бошқарув даврида бир қанча бутуниттифок экспорт-импорт бирлашмалари бор эди. Жумладан, “Совнештранс” транспорт экспедиторлик ва ташқи иқтисодий операцияларга омборхоналар хизмати соҳасида, ташқи савдо юклари учун денгиз тоннажларини фрахталаш соҳасида ҳукмронлик қиларди ва ҳ.к.

Монополия тамойилига асосланган давлат бошқаруви маъмурий усуллар билан амалга оширилар эди. Бундай бошқарувда ишлаб чиқарувчи экспорт фаолиятдан манфаатдор эмасди. Экспортни кўпайтириш ва кенгайтиришга интилиш кўпинча асоссиз эди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш учун жавобгар (масъул) бўлган вазирлик ва идоралар орасида вазифалар аниқ белгиланмаган эди; ташқи иқтисодий фаолият фаолияти натижаларини баҳолашда охириги натижа ҳисобга олинмас эди; хорижий истеъмолчи учун маҳсулот етказиб беришни амалга оширувчилар орасида масъулият етишмас ва рағбат кучсиз эди; ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи орасида тўғридан тўғри алоқанинг йўқлиги (бу фаолият соҳасининг ривожланиши учун тўсиқ бўлиб турган); стратегик мақсад, устувор йўналишлар ва уларга эришиш воситаларини акс эттирувчи ташқи иқтисодий фаолиятнинг аниқ қарашлари йўқ эди, бу нарса шу фаолият соҳасининг ривожланишига тўсиқ бўлиб, бир вақтда давлат манфаатларига тўғридан-тўғри зиён етказар эди.

Мамлакатнинг рақобатдаги устунлиги – юқори ва доимо ўсиб боровчи ишлаб чиқариш даражасига эришиш билан белгиланади. Бунинг учун давлат қуйидагиларни амалга ошириши зарур: миллий манбалар – меҳнат ва капитални ишлатишга ёрдам бериши керак; ўзгаришлар, миллий саноат

фаолиятининг инновациясини рағбатлантириш; ташқи бозорда фирмаларнинг рақобатга чидамлигини оширишга олиб келадиган ички бозордаги рақобат муқимлигини яратиш; экспортга ҳамда аралаш маҳсулотлар ишлаб чиқариш фирмаларига хизмат қиладиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш.

М. Портернинг назарияси жаҳоннинг бир қанча мамлакатлари, шунингдек АҚШ ва Австралияда товарларнинг рақобатга чидамлилигини давлат аҳамияти даражасига кўтариш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, ташқи иқтисодий фаолият давлат томонидан тартибга солинишининг объектив зарурияти, иқтисодий назарияда тан олинган ва саноати ривожланган мамлакатлар хўжалик юритиш амалиёти билан тасдиқланган. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши бутун жаҳонда кенг қўлланилади. Бозор иқтисодиёти шароитларида у миллий иқтисод манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришни рағбатлантирувчи, амалга оширувчи ва назорат қилувчи қонуний чора-тадбирлар тизимини ташкил этади. Бу чора-тадбирлар давлат корхоналари ҳамда ижтимоий ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилади. Тартибга солишдан мақсад – мамлакат ташқи иқтисодий комплексини халқаро меҳнат тақсимотининг ўзгарувчан шароитларига мослаштириш ва барқарорлаштиришдир.

Давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаси – ташқи иқтисодий фаолиятнинг замонавий концепцияларини ишлаб чиқишдир. Концепция – назарда тутилган соҳанинг ривожланиш мақсадлари, натижа ва фойда олиш йўналишларини, (масалан, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг) вазифаларни белгилашни ўз ичига оладиган умумий ғоядир.

Ташқи ва ички омиллар ҳар доим ташқи иқтисодий сиёсатга икки хил ёндашишни талаб қилади. Булар савдо эркинлиги ва протекционизмдир. Савдо эркинлиги деганда, ташқи савдо масалалари бўйича қарор қабул

килинишида хорижий товарларнинг миллий бозорга чекланмаган кириш имконияти тушунилади. Протекционизм эса давлатнинг ташқи иқтисодий, ташқи савдо фаолиятига аралашувини, миллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий товарларга нисбатан ҳар хил чегирмалар амалга оширишни таклиф этади. Ҳар хил даврларда ҳар хил мамлакатларда бу икки ёндашув бир вақтда мавжуд бўлган, аммо уларнинг ўзаро муносабатлари ҳар хил, яъни ташқи ва ички омиллардан келиб чиқиб белгиланадиган бир-биридан устунлигидир.

Замонавий шароитларда ташқи иқтисодий сиёсат - давлат ҳокимиятининг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, фан-техника, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятни ривожлантиришга ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг стратегик вазифаларини ечиш мақсадида мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашишини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган давлат ҳокимияти тадбирлари тизимидир.

Ҳар бир мамлакат бу масалаларни ўз ривожланишининг аниқ тарихий шароитларидан келиб чиқиб, ҳал қилади.

Масалан, АҚШ бир қанча ўн йиллар давомида жаҳон ҳўжалигида олдинги ўринни эгаллаб келиб, ҳозирги вақтда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун кураш олиб бормоқда; ишлаб чиқариш учун мўлжалланган илмий товарлар олиб киришни рағбатлантирилмоқда; бунда асосан иқтисодни техник янгилаш учун тўлов бўладиган хорижий капитал оқими рағбатлантирилмоқда. Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятида бутун дунёда ҳамкорлик фаолияти билан бирлашган тармоқлари бўлган транснационал корпорациялар ҳал қилувчи роль ўйнаётир. Кейинги йилларда кичик ва ўрта корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти жуда жадаллик билан қўллаб-қувватланмоқда.

Японияни олиб кўрадиган бўлсак, бу мамлакат табиий бойликларга жуда кам эга бўлганлиги сабабли, ташқи иқтисодий фаолиятини анъанавий тарзда керакли ёқилғи ва хом ашё материаллари импортига йўналтирган. Унинг барча турдаги манбаларни тежаши анъанавий импортни қисқартириш,

хорижга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, капитал сифатида экспорт қилиш имкониятини берди. Япониянинг рақобатга чидамлилиги ошди ва охириги йилларда бу кўрсаткичлар бўйича у жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Шундай қилиб, давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш чегаралари бир томондан, миллий экспортни кенгайтириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга эҳтиёж билан белгиланса, бошқа томондан, халқаро ташкилотлар қоидалари билан белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг тартибга солиш предмети қуйидагилардир:

- миллий экспортчиларни рағбатлантириш;
- жаҳон бозорида миллий экспортчиларнинг мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳар хил ташкилий чораларни амалга ошириш;
- миллий фирмаларга хорижий капитал қўйишнинг ўсишига ёрдам бериш.

Агар шуларни ҳисобга оладиган бўлсак юқорида кўрсатилган вазифалар анча қийиндир.

Бундан ташқари, барча давлатлар ўз миллий фирмаларининг рақобатчилари фаолиятини чеклаш учун ҳар хил усуллардан фойдаланади, масалан, уларнинг ички бозорга кириб келишига тўсқинлик қилиш, уларнинг иш олиб бориши учун оғирроқ шароит, юқори экологик талаблар ва бошқалар яратиш.

Минтақавий кириб боровчи гуруҳларнинг пайдо бўлиши шунга олиб келдики, миллий даражадаги тартибга солиш билан бирга, минтақавий гуруҳлар ичида, яъни ташқи иқтисодий фаолиятни минтақавий даражада тартибга солиш амалга оширила бошланди.

Ҳар қандай мамлакатдаги ташқи иқтисодий фаолиятнинг тартибга солиниши бошқа мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолияти натижаларида, албатта, акс этади, чунки жаҳоннинг ҳар хил мамлакатлари ишлаб чиқариши, товар алмашинуви ва истеъмоли бир-бирига боғлиқдир. Ташқи иқтисодий

фаолиятнинг чуқурлашиши ва кенгайиши билан ташқи иқтисодий фаолиятни кўп томонли тартибга солиш кучаймоқда. Ҳар бир мамлакатда ташқи иқтисодий фаолият миллий ҳуқуқ меъёрлари, икки тарафлама битимлар, минтакавий ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонли келишувлар асосида тартибга солинади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқарилишининг халқаро тажрибаси ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қўлланилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишдаги янгилик – давлатнинг ролига ёндашишидир. Бу янги ёндашув давлатнинг аҳамиятини асослайдиган тамойиллар, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг вазифалари, мазмуни ва уларнинг ўзаро нисбати тубдан ўзгартирмоқда. ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқаришнинг асосий вазифаси – унинг қонунчилик асосларини яратиш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча кўриниш ва шакллари ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий шароитларни яратиш ва унинг фойдалилигини оширишдир. Ҳозирда давлатнинг ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан мавжуд қонунчиликка риоя қилиниши ва миллий хавфсизликни таъминлашни назорат қилиш вазифаси мустаҳкамланмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқаришнинг тамойиллари "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги ва "Ташқи савдо тўғрисидаги" қонунларда кўрсатилган. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг тенглиги ва уларнинг камситилмаслиги;
- ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ҳуқуқ ва манфаатларининг давлат томонидан муҳофаза қилиниши;
- давлат ва унинг органлари корхоналар ташқи савдо фаолиятига асоссиз аралашувига чек қўйиш;

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқариш уни молиявий, валюта, кредит, божхона-тариф ва тарифдан ташқари тартибга

солиш, экспорт назоратини таъминлашни, товарларни олиб кириш ва олиб кетиш муносабати билан сертификациялаш соҳасидаги сиёсатини белгилаб олишдан иборат. Бундай бошқаришнинг барча йўналишлари амалаги қонунчиликка асосланади.

Давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ташқи иқтисодий фаолият ва у асосида ташқи иқтисодий сиёсатнинг бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қиладиган қондасини ишлаб чиқишдир.

Мамлакат рақобатдошлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири – барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий баланслашувнинг таъминланишидир. Бизнинг мамлакатимизни глобал инқирознинг тўғридан-тўғри таъсиридан ҳимоя қилган макроиқтисодий мувозанатлашувнинг асосий омиллари қаторига 2005 йилдан бошлаб кузатилаётган бюджет профицитининг таъминланиши, олтин-валюта расмий захираларининг юқорилиги ва давлат ташқи қарзларининг паст даражаси, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидаги эҳтиёткорона алоқалар каби омилларни киритишимиз мумкин.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича тизимли тадбирлар белгиланган бўлиб, бу борада дастлаб реал сектордаги товар ва маҳсулотларни экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлаш, қатъий тежамкорликни қўллаш, маҳсулот тоннарни ва харажатларини пасайтиришни рағбатлантириш, жумладан, энергия тежамкорлигининг самарали тизимини жорий этиш ва энергия сиғимини қисқартириш бўйича чоралар, ички бозорда ялпи талабни рағбатлантириш ва бошқа тадбирлар белгиланган эди.

Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш бўйича чораларнинг амалга оширилиши, хомашёни қатъий тежаш тизимининг қўлланиши маҳсулот таннархининг 15-20 фоизга пасайишини таъминлади. 2012 йилда маҳсулотнинг энергия сиғими ва моддий харажатларнинг 10-15 фоизга қисқартирилишига эришилди.

Реал секторда юқори даражадаги қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, рақобатдош тармоқларни ривожлантириш мақсадида хомашёни чуқур қайта ишлайдиган тармоқлар улушини оширишга қаратилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар Ўзбекистон корхоналарининг ташқи бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг узоқ муддатли ривожланишининг мақсади ва устувор йўналишлари жаҳондаги ривожланган мамлакатлари қаторига кириш билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан асослаб берилган иқтисодий сиёсат стратегияси айнан шу мақсадга қаратилган. Ўзбекистон иқтисодиётининг олис истикболдаги рақобатдошлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларга куч ва ресурслар йўналтирилмоқда:

- иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, ЯИМда моддий ресурслар ва энергия сиғимини 2 баробар пасайтириш ҳисобидан мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш орқали иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори даражасини таъминлаш (8фоиз);

- модернизациянинг биринчи навбатдаги объекти бўлиб инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир иқтисодий тузилмалар, давлат таълим стандартларига риоя қилиш, инновация инфратузилмалари ривожланиши учун зарур бўлган қулай инвестицион муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш элементлари бўлиши лозим;

- ўта янги маҳсулот турлари ва юксак технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарларнинг рақобатдошлигини ошириш; саноат ишлаб чиқариши, биотехнология, информатика ва нанотехнологиядаги янги кашфиётларни қўллашга асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқ ва соҳаларида

катта салоҳиятга эга бўлган энергия ва сув тежайдиган технологияларни жорий этиш;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашувини чуқурлаштириш, унинг ташқи иқтисодий бозор конъюктурасига боғлиқлигини пасайтириш учун ташқи бозорда рақобатдош тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобидан экспорт таркибини диверсификация қилиш;

- мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетик балансини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, чунки иқтисодиётнинг энергия таъминотида табиий газнинг улуши меъёрдан анча юқори бўлгани учун истикболли энергия тежайдиган технологияларни фаол ишлаб чиқиш ва халқаро миқёсда айирбошлаш, энергиянинг муқобил манбаларидан кенг фойдаланиш зарур³¹.

Айни вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар стратегиясининг самарадорлиги, инқирозга қарши курашиш борасида тўпланган тажрибалар нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтлар, жаҳондаги етакчи илмий марказлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Чунончи, 2012 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси миссияси бошлиғи баёнотида барқарор банк тизими, давлат қарзи даражасининг пастлиги ва четдан қарз олишга пухта ўйлаб ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан муҳофаза қилгани, Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсаётгани ва келгуси йилларда унинг янада фаол ўсиши прогноз қилинаётгани қайд этилгани мисол сифатида келтириш мумкин.

Президентимиз томонидан 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор вазифа ва йўналишлари белгилаб берилди:

- 1) иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш;

³¹ Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы четвертого форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 8.

2) иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш;

3) йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

4) мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, ишбилармонлик муҳити жозибадорлигини янада кучайтириш;

5) янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлик даражасини янада ошириш;

6) аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил ошириб боришни таъминлаш³².

Иқтисодий ўсиш омиллари ва манбалари таҳлилининг кўрсатишича, инқирозга қадар бўлган даврда иқтисодий фаолликнинг юқори суръатларига асосан экспорт салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг жадал суръатларда ривожланиши таъминлади.

2000 йилдан бошлаб иқтисодиётга сарфланаётган инвестициялар ҳажми ортиб, молиялаштириш манбалари таркибида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Мустақиллик йилларида нодавлат секторнинг шаклланиши инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган харажатларни кескин қисқартириб, бўш қолган молиявий маблағларни ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини ошириш имконини берди. Шунингдек, ушбу даврда хорижий инвестицияларнинг ўрни ортиб бормоқда ва уларнинг ҳиссасига инвестицияларнинг 22 фоизи тўғри келмоқда. Хориждан жалб қилинаётган инвестицияларни 79 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

³² 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазибалари тўғрисида. 2013 йил 18 январь. - <http://uza.uz/uz/documents/25009/>

Хизмат соҳаларининг миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги ўрни ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсирини 3.2.1-жадвал яққол ифода этади.

3.2.1-жадвал

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида иқтисодиётнинг айрим секторлари улушининг ўзгариши (фоизли пункт ҳисобида)³³

Кўрсаткичлар номи	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
ЯИМ ўсиши – жами (фоизда)	3,8	7,0	7,3	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3
Иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМ умумий ўсишидаги улуши:								
Саноат	8,0	12,4	17,6	14,5	15,5	10,4	9,1	7,4
Қишлоқ хўжалиги	21,6	23,5	25,1	17,9	12,9	17,7	19,2	18,3
Қурилиш	3,8	7,5	9,8	8,7	5,1	23,0	6,4	6,7
Транспорт ва алоқа	23,3	19,5	17,7	18,4	21,9	7,0	14,2	16,3
Савдо ва умумий овқатланиш	13,3	10,4	13,7	19,0	16,1	15,5	20,8	20,9
Бошқа хизматлар	18,2	11,2	7,4	12,2	18,4	17,2	21,9	22,2
Билвосита солиқлардан субсидияларнинг айирмаси	11,9	15,5	8,7	9,3	10,0	9,2	8,6	8,3
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100

Жадвал маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, 2005 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 7 фоизли йиллик ўсишининг 40 фоизи ушбу соҳада яратилган қўшилган қиймат ҳисобидан таъминланган бўлса, 2011 йилга келиб унинг улуши 60 фоизга етди.

Инқироз шароитида илгари эришилган юқори иқтисодий ривожланиш суръатларини таъминлашда миллий иқтисодиётда юз бераётган ижобий таркибий ўзгаришлар муҳим роль тутди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, инқирозгача бўлган даврда ялпи ички маҳсулот ўсишининг тўртдан уч қисми хизматлар ва қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Лекин инқироз шароитида қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси жиддий қисқарди (масалан, 2005 йилдаги 24 фоиздан 2008 йилда 15 фоизга). Ушбу даврда қурилишнинг ҳиссаси аксинча ортган (2000-2008 йилларда ўртача 7,4 фоиз бўлган бўлса, 2009 йилда 25 фоизни ташкил этган). Буларнинг барчаси инқирозга қарши

³³ Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти материаллари

чоралар дастури самарали амалга оширилганини кўрсатади. Чунки уй-жой курилишини рағбатлантириш чоралари ушбу дастурнинг таркибий қисми эди.

3.2.2-жадвал

ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, (фоиз ҳисобида) ³⁴

Йўналишлар	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Жами ЯИМ	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	66,0	63,8	64,6	65,8	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	24,8	22,6	31,0	28,8	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,1	13,6	4,4	5,4	9,6	7,8	3,1

Миллий иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилини ички талаб ташкил этади. Жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакатимизда амалга оширилган инқирозга қарши чоралар дастури доирасида аҳолининг ялпи ички талабини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида пировард истеъмолнинг ялпи ички маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш таркибидаги улуши ортиб бормокда. Жумладан, 2008-2012 йилларда пировард истеъмол харажатларининг ЯИМдан фойдаланиш таркибидаги улуши 64,6 фоиздан 68 фоизга ёки 3,4 пунктга ортди (3.2.2-жадвал). Келгуси йилларда ички талабнинг ошиб боришига муҳим аҳамият берилади. Чунки жаҳон иқтисодиёти ва маҳсулотлар бозорларидаги беқарорлик шароитида бундай ёндашув иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг барқарорлаштирувчи ва рағбатлантирувчи омили сифатида муҳим ўрин тутди.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 120-б.

3.3. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишларини прогнозлашни такомиллаштириш

Амалда прогноз қилиш учун ҳақиқий вақт моментиға яқинроқ турган жараёнларни тавсифловчи ахборот катта аҳамиятга эга бўлади. Биз қанчалик истиқболлашга киришиб кетсак, прогноз учун ахборот шунчалик ҳам қимматга эга бўла бошлайди.

Республикада ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишларини аниқлашда илмий тадқиқот ишимизнинг 1.2-параграфида таҳлил қилинган прогнозлашнинг илмий-услубий асосларидан фойдаланамиз.

Бошланғич динамик қатор қуйидаги кўринишдаги номинал билан тавсифлансин:

$$y_t = b_0 + b_1 t + \frac{b_2}{2!} t^2 + \dots + \frac{b_p}{p!} t^p + \varepsilon_t = \sum_{j=0}^p \frac{b_j}{j!} t^j + \varepsilon_t, \quad (3.3.1)$$

бу ерда $b_0, b_1, b_2, \dots, b_p$ – коэффициентлар;

p – поминал тартиби;

ε_t – тасодифий хато.

Экспоненциал силлиқлаш усули (3.3.1) жараёни шундай тавсифини қуришга имкон берадики, унга кечкироқ кузатишларга каттароқ оғирликлар берилади, эртанги кузатишлар билан таққосланганда, бунда кузатишлар бирлиги экспонента бўйича камаядилар.

$$S_t^{[k]}(y) = \alpha \sum_{i=0}^n (1-\alpha)^i S_{t-1}^{[k-1]} y \quad (3.3.2)$$

ифода k – тартибнинг y_t қатори учун экспоненциал ўртачаси деб айтилади, бу ерда α – силлиқлаш параметри.

Ҳисобларда Браун томонидан олинган рекуррен формуладан фойдаланиб экспоненциал ўртачани аниқлайдилар:

$$S_t^{[k]}(y) = S_t^{[k-1]}(y) + (1-\alpha)S_{t-1}^{[k]}(y). \quad (3.3.3)$$

(3.3.24) нисбатни қўллаш бошланғич шартлар $S_0^{111}, S_0^{121}, S_0^{[k]}$ топшириғини кўзда тутаяди, улар Браун – Мейер формуласи билан топилади:

$$S_t^{[k]}(y) = \sum_{p=0}^n (-1)^p \cdot \frac{\hat{b}p}{p!} \cdot \frac{\alpha(1-\alpha)}{(k-1)!} \cdot \sum_{j=0}^{\infty} (1-\alpha)^j \frac{(p-1+j)}{j!}, \quad (3.3.4)$$

бу ерда $p=1,2, \dots, n+1$;

$\hat{b}$ - коэффициентлар баҳоси.

Прогнозловчи полином коэффициентларининг баҳоларини Браун – Мейернинг фундаментал теоремаси бўйича экспоненциал ўртачаликлар орқали аниқлайдилар. Бу ҳолда b_j коэффициентларини $(p-1)$ тизимини ечиш билан топадилар, $(p+1)$ номаълумлари боп тенгламани ҳам ечиш керак, бу тенглама полином параметрларини бошланғич ахборот билан боғлайди.

Экспоненциал силлиқлаш усулини қўллашни иккита кўпроқ ишлатиладиган ҳоллар учун кўриб чиқамиз, қачонки тренд чизиқли функция ва парабола билан тавсифланганда.

Брауннинг чизиқли модели

$$y_1 = b_0 + b_{1t} + \varepsilon_r \quad (3.3.5)$$

Бошланғич яқинлашишлар чизиқли тренд ҳолати учун тенг (3.3.6 формула бўйича):

1-тартибдаги экспоненциал ўртачалик:

$$S_0^{[1]}(y) = b_0 - \frac{1-\alpha}{\alpha} b_1 \quad (3.3.6)$$

2-тартибдаги экспоненциал ўртачалик:

$$S_0^{[2]}(y) = b_0 - \frac{2(1-\alpha)}{\alpha} b_1 \quad (3.3.7)$$

$S_0^{[1]}$ ва $S_0^{[2]}$ ларнинг бошланғич шартларини билган ҳолда ва α параметри қийматини билган ҳолда 1 ва 2 тартибдаги экспоненциал ўртачаликларни ҳисобга топадилар.

$$S_t^{[1]}(y) = \alpha y_t + (1-\alpha) S_{t-1}^{[1]}(y); \quad (3.3.8)$$

$$S_t^{[2]}(y) = \alpha y_t^{[1]} + (1-\alpha) S_{t-1}^{[2]}(y); \quad (3.3.9)$$

Чизиқли тренд коэффициентларини аниқлаш:

$$b_0 = 25_t^{[1]}(y) - S_t^{[2]}; \quad (3.3.10)$$

$$\hat{b}_1 = \frac{\alpha}{1-\alpha} [S_t^{[1]}(y) - S_t^{[2]}(y)]; \quad (3.3.11)$$

I кадамга прогноз (t_1 вақт учун) тенг: $y_1 = \hat{b}_0 + \hat{b}_1 t$ прогноз хатоси

$$\vartheta = \vartheta_\pi \sqrt{\frac{\alpha}{(2-\alpha)^3} [1 + 4(1-\alpha) + 5(1-\alpha)^2 + 2\alpha(4-3\alpha)t_i + 2\alpha^2 t_\varepsilon^2]}. \quad (3.3.12)$$

Параболали тренд

$$y_t = b_0 + b_{1t} + \frac{1}{2} b_{2t^2} + \varepsilon_t \quad (3.3.13)$$

Бошланғич яқинлашишлар

$$S_0^{[1]}(y) = b_0 - \frac{(1-\alpha)}{\alpha} b_1 + \frac{(1-\alpha)(2-\alpha)}{2\alpha^2} b_2 \quad (3.3.14)$$

$$S_0^{[2]}(y) = b_0 - \frac{2(1-\alpha)}{\alpha} b_1 + \frac{(1-\alpha)(3-2\alpha)}{2\alpha^2} b_2 \quad (3.3.15)$$

$$S_0^{[3]}(y) = b_0 - \frac{3(1-\alpha)}{\alpha} b_1 + \frac{(1-\alpha)(4-3\alpha)}{2\alpha^2} b_2 \quad (3.3.16)$$

Экспоненциал ўртачаликлар

$$S_1^{111}(y) = \alpha y_1 + (1-\alpha) S_{t-1}^{111}(y); \quad (3.3.17)$$

$$S_1^{121}(y) = \alpha S_t^{111}(y) + (1-\alpha) S_{t-1}^{121}(y); \quad (3.3.18)$$

$$S_1^{131}(y) = \alpha S_{t-1}^{121}(y) + (1-\alpha) S_{t-1}^{131}(y); \quad (3.3.19)$$

Тренд учун параболик боғлиқлик коэффицентларини баҳолаш.

$$\hat{b}_0 = 3[S_t^{[1]}(y) - S_t^{[2]}(y)] + S_t^{[3]}(y); \quad (3.3.20)$$

$$\hat{b}_1 = \frac{\alpha}{(1-\alpha)^2} [(6-5\alpha)S_t^{[1]}(y) - 2(5-4\alpha)S_t^{[2]}(y) + (4-3\alpha)S_t^{[3]}(y)]; \quad (3.3.21)$$

$$\hat{b}_1 = \frac{\alpha}{(1-\alpha)^2} [S_t^{[1]}(y) - 2S_t^{[2]}(y) + S_t^{[3]}(y)] \quad (3.3.22)$$

t_1 моментли усул прогноз

$$y_{1t}^1 = \hat{b}_0 + \hat{b}_1 t_\tau + \frac{1}{2} \hat{b}_2 \hat{t}^2_\tau \quad (3.3.23)$$

Прогноз хатоси

$$\vartheta * y = \vartheta_{\varepsilon_1} \sqrt{2\alpha + 3\alpha^2 + 3\alpha^3 t_1} \quad (3.3.24)$$

Экспоненциал силлиқлаш усули учун асосий ва энг қийин момент бу α силлиқлаш параметрини топишдир, шунингдек бошланғич шартларини ва прогнозловчи полином даражасини топиш ҳам қийиндир.

α силлиқлаш параметри модел коэффиценти баҳоларини аниқлайди, демак, прогноз натижаларини ҳам.

Параметр катталигига қараб прогноз баҳолари бошланғич қатор кузатишлари таъсирини турлича ҳисобга оладилар: α қанчалик кўп бўлса, охириги кузатишларнинг трендни шаклланишига шунчалик ҳиссаси кўп бўлади, бошланғич шартларнинг таъсири тез камайиб боради. α кичик бўлганда прогноз баҳолари барча кузатишларни ҳисобга оладилар, бунда аввалгироқ ахборот таъсирининг камайиши секин юз бради.

α тақрибий баҳоси учун иккита асосий нисбат маълум:

- Браун нисбати, у сирғанувчи ва экспоненциал ўртачаликнинг тенглиги шартидан келтириб чиқарилган.

$$\alpha = \frac{2}{N+1} \quad (3.3.25)$$

Бу ерда N – қатор нуқталари сони, улар учун қатор динамикаси бир турдаги ва барқарор ҳисобланади (силлиқлаш интервалидаги нуқталар сони).

Баъзан $\alpha = \frac{2}{N+1}$, бу ерда n – кузатишлар сони (нуқталар) ретроспектив динамик қатордаги;

$$\alpha = \frac{\vartheta_n}{\vartheta_\varepsilon}, \quad (3.2.26)$$

- Мейер нисбати

бу ерда ϑ_n - моделнинг ўртача квадратли хатоси;

ϑ_ε - дастлабки қаторнинг ўртача квадратли хатоси.

Аммо ϑ_n ва ϑ_ε ни дастлабки ахборотдан аниқ белгилаш жуда мураккаб, шунинг учун (3.2.47) нисбатни қўллаш қийин бўлади.

Кўриниб турибдики, α параметрини танлашни прогнознинг аниқлиги билан боғлаш керак, шунинг учун α нинг кўпроқ асосланган танланиш учун умумлаштирилган силлиқлаш процедурасини қўллаш мумкин.

Бу ҳолда қуйидаги нисбатлар юзага келади, улар прогноз дисперсияси $g_{\hat{x}\tau}^2$ ва силлиқлаш параметри α ни боғлайди:

чизикли модел учун

$$g_{\hat{x}\tau}^2 = \frac{\alpha}{(1+\beta)^2} \left| 1 + 4\beta + 5\beta^2 + 2\alpha(1+3\beta)\tau + 2\alpha^2 + \tau^3 \right| g_{\varepsilon}^2 \quad (3.3.27)$$

квадратли модел учун

$$g_{\hat{x}\tau}^2 = \left| 2\alpha + 3\alpha^3 + 3\alpha^2\tau \right| g_{\varepsilon}^2 \quad (3.3.28)$$

бу ерда $\beta = 1 - \alpha$;

τ - прогноз даври;

g_{ε} - дастабки динамик қаторнинг аппроксимациясини ўртача квадратик хатоси.

$\alpha = 0$ ифодада, (3.2.27), (3.2.28) формулаларнинг ўнг томонида турганлари нолга айланадилар, демак, прогноз хатосини камайтириш учун минимал α ни тиклаш лозим.

Бир пайтда, α қанчалик кам бўлса, бошланғич шартларни белгилаш аниқлиги шанчалик паст бўлади, оқибатда, прогноз сифати ҳам ёмонлашади.

Шундай қилиб, (3.2.27), (3.2.28) формулаларни қўллаш параметрларини аниқлашда қарама-қаршиликка олиб келади. Қатор ҳолларда α параметрни шундай танлайдиларки, прогноз хатосини минималлаштириш учун тетроспектив ахборот бўйича ҳисобланган.

Прогноз сифати кўп жиҳатдан прогнозловчи полином тартибини танлашга боғлиқ. Маълумки, моделни иккинчи тартибининг ошиши прогноз аниқлигини жидий равишда ошишига олиб келмайди, аммо ҳисоб-китобни анчагина мураккаблаштиради.

Динамика қаторларини башоратлашда динамика қаторларини экстрополяция қилиш усуллардан фойдаланилади. Шуларнинг айримларидан ташқи иқтисодий фаолиятнинг айрим йўналишларини башоратлашда фойдаланамиз. Агар динамика қатор даражасининг мутлоқ ўсиш даражалари

доимий бўлса, у ҳолда мутлоқ қўшимча ўсиш аниқланиб, уни қаторнинг охирги даражасига қўшиб кейинги даврлар учун экстраполяция қилинади.

3.3.3-жадвал

2002-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида экспорт-импорт динамикаси

Йил	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Экспорт млн. доллар	2988,4	3725,0	4853,0	5408,8	6389,8	8991,5	11572,9	11771,3	13044,5	15027,2
Мутлоқ ўсиш	-	736,6	1128	555,8	981	2601,7	2581,4	198,4	1273,2	1982,7
Импорт млн. доллар	2712,0	2964,2	3816,0	4091,3	4781,6	6728,1	7504,1	9438,3	8799,7	10509,9
Мутлоқ ўсиш	-	252,2	851,8	275,3	690,3	1946,5	776,0	1934,2	-638,6	1710,2

Қаторни 2012-2020 йилларга экстраполяция қилиш керак.

Экспортни ўртача қўшимча ўсиши

$$\bar{y} = (736,6 + 1128 + 555,8 + 981 + 2601,7 + 2581,4 + 198,4 + 1273,2 + 1982,7) / 9 = 1337,6$$

$$2012 \text{ йил} = 15027,2 + 1 * 1337,6 = 16364,4 \text{ млн. АҚШ доллари}$$

.....

$$2020 \text{ йил} = 15027,2 + 9 * 1337,6 = 27066 \text{ млн. АҚШ доллари}$$

Импортни ўртача қўшимча ўсиши

$$\bar{y} = (252,2 + 851,8 + 275,3 + 690,3 + 1946,5 + 776 + 1934,2 + (-638,6) + 1710,2) / 9 = 866,43$$

$$2012 \text{ йил} = 10509,9 + 1 * 866,43 = 11376,3 \text{ млн. АҚШ доллари}$$

.....

$$2020 \text{ йил} = 10509,9 + 9 * 866,43 = 18307,8 \text{ млн. АҚШ доллари}$$


3.3.2-жадвал

2012-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида экспорти ва импортини башоратлаш динамикаси

Йил	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Экспорт, млн.	16364,4	17702,5	19040,1	20377,8	21715,4	23053,1	24390,7	25728,4	27066

Доллар									
Импорт, млн. доллар	11376,3	12242,8	13109,2	13975,6	14842,1	15708,5	16574,9	17441,4	18307,8

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, мамлакатимиз экспорти 2012 йилда 16364,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилса, 2020 йилга бориб 27066 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. 2012 йилга нисбатан 10701,6 млн. АҚШ доллариға ошади. Яъни, 1,65 мартаға ошишини прогноз қилдик. Мамлакатимиз импорти 2012 йилда 11376,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилса, 2020 йилга бориб 18307,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. 2012 йилга нисбатан 6932 млн. АҚШ доллариға ошади. Яъни, 1,61 мартаға ошишини прогноз қилдик.



3.2.1-расм. 2011-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида экспорти ва импортини башоратлаш динамикаси³⁵

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, мамлакатимизда экспорт ва импорт 2012-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлади. 2012 йилда импортга нисбатан экспорт 1,4 мартаға ошиши ва 2020 йилда ушбу кўрсаткич 1,5 мартаға ошиши прогноз қилинди.

2011-2015 йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек,,

* 2011 йил ҳақиқий кўрсаткич.

транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011-2015 йиллар давомида охириги беш йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳасини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011-2015 йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация этиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 4,7 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур жамғарманинг энг муҳим вазифаларидан бири стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик

хорижий инвестор ва шерикларни жалб этишдир. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий қиймати 1,28 миллиард долларга тенг бўлган Толемаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш 2011-2015 йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳалар ҳақида сўз борганда, аввало Сургиль кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан базасида суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, Муборак газ-кимё мажмуасини қуриш, Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириб, газни қайта ишлайдиган завод барпо этиш, Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс қуриш, автомобиль двигателлари, катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН” автомобиллари, “Мерседес Бенц” шассиси базасида кўп ўринли автобуслар, “Клаас” компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга бўлган

вертикал интеграциялашган текстиль мажмуаларини, тайёр дори препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жал этиш масаласига катта аҳамият беради.

Бир сўз билан айтганда, 2011-2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этиши ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек,, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга жалб этилади.

III боб бўйича хулосалар

Ижтимоий-иқтисодий прогнозларни асосий мезонлар бўйича турларга ажратамиз.

Прогноз жабҳаси жиҳатидан халқаро прогнозлардан тортиб корхона ривожини прогнозлашга кадар ўзгаради. Бу ерда қуйидаги гуруҳларни кўриш мумкин.

- халқаро иқтисодий, жаҳон бозори ва ташқи савдо конъюнктурасини прогнозлари;
- миллий иқтисодиёт ва тармоқлараро балансни прогнозлари;
- иқтисодиёт комплекслари, ёқилги энергетика агросаноат комплекси ва хоказо;
- иқтисодиётнинг айрим тармоқларини прогнозлари;
- минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини прогнозлари;
- корхона, бирлашма ва фирма фаолиятини прогнозлари.

Дарҳақиқат, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, хусусан ташқи иқтисодий фаолиятни истиқболли йўналишларини прогнозлаш мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларининг барақарор ўсишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Қисқача қилиб айтганда бу бобда Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнгги истиқболли йўналишларини прогнозлашнинг асосий йўллари, ташқи иқтисодий фаолиятни прогнозлашнинг жаҳон тажрибалари ва улардан Республикада фойдаланиш имкониятлари, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнгги истиқболлини белгилаш, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг истиқболли йўналишларини прогнозлашни такомиллаштириш масалалари кенг ёритиб ўтилган.

Хулоса ва таклифлар

Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келган ва бугунги кунда сақланиб қолаётган жиддий муаммолар Ўзбекистон иқтисодиёти учун яна бир синовга айланди. Бу ҳақда фикр юритилганда, энг аввало ўзининг салбий оқибатлари билан дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таҳдид солиб келаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозни тилга олиш ўринлидир.

Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш борасидаги энг муҳим вазифа мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларни экспорт қилиш йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқларни олиб ташлаш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан имтиёз ва қулайликлар яратиш, шунингдек, ҳозирги кескин халқаро рақобат шароитида ўз маҳсулотларини хорижга сотаётган ишлаб чиқарувчиларимиз экспортини кредитлаш ҳамда суғурталаш механизмларини жорий этиш масаласини ҳал этишдан иборат.

Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши мамлакатимизнинг кун сайин юксалиб бораётган экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, халқаро иқтисодий майдонда рўй бераётган ўзгаришларга нисбатан ўзимизнинг мустақил иқтисодий сиёсатимизни юритиш учун тегишли шарт-шароит ва моддий асос яратади.

Глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамасдан, 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ривожланишда давом этгани, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустаҳкамланиши таъминлангани қайд этилди.

Мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги мавқеини янада мустаҳкамланиши ўз навбатида мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантирилиши билан бевосита боғлиқ.

Ташқи иқтисодий фаолиятда прогнозлашнинг барча усуллар деярли қўлланилади.

Бошида тадқиқотлар асосида, эксперт сўровлар, аналогиялар ёрдамида олиб борилади.

Сифатли таҳлил экстраполяция, бошқа математик - статистик ёндашувлар, муҳими, қидирув характеридаги ёндашувлар асосидаги ҳисоб - китоблар билан тўлдирилади.

Навбатдаги ва якуний иқтисодий прогнозлаш босқичларида мураккаброқ, шу жумладан, норматив-мақсадли моделлардан: эконометрик, баланс, оптималлаштирувчи моделлардан фойдаланилади.

Дунё мамлакатлари ҳозирги даврда ташқи иқтисодий фаолиятни жуда кўп турдаги прогноз усулларида фойдаланиб иқтисодий ривожланиш истиқболларини белгилайди.

Улардан энг кенг тарқалганлари: эксперт баҳолаш ва сўров (корхона раҳбарияти фикрларини умумлаштириш ёрдамида истиқболлаш, истеъмолчиларнинг орасида сўров ўтказиш натижалари бўйича истиқболлаш), иқтисодий – математик усуллар (экстраполяция ва кўп омилли моделлаштириш). Бундан ташқари, турли иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳаракатланиш қонуниятларига асосланган ёндашув ва усуллардан фойдаланилади.

Эконометрик модел ва математик усуллардан фойдаланишнинг долзарблиги конъюнктурани истиқболлаш ва тадқиқ этиш самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқдир.

Математик моделлардан фойдаланиш жуда кўп омиллар таъсирини ҳисобга олиш, уларнинг ичидан товар конъюнктурасини шакллантиришдаги асосий аҳамиятга эга бўлганларини ажратиш, корхона раҳбарияти диққатини қаратиши лозим бўлган йўналишни аниқлаш имконини беради.

Экстраполяция – бу ўтган даврда кузатилган тенденцияни келажакда давом эттиришдир.

Диссертация ишидан сўнг қуйидаги таклифларни киритамиз;

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўзгарувчан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни инобатга олувчи, уларни давлат томонидан тартибга солишнинг илмий асосланган концепциясини яратиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашувчиларнинг аксарият қисмида ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бозор иқтисодиёти, жаҳон бозорига кириш шарт-шароитлари, ҳуқуқ ва техник жиҳатлари тўғрисида махсус билим ва кўникмалар олишни кучайтириш;

- жаҳон бозорлари ҳақида керакли тижорий маълумотлар базаси тизимини яратиш;

- божхона ва экспорт-импорт назоратини компьютерлаштириш ва автоматлаштиришни талаб даражасига чиқариш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини кучайтиришга йўналтирилган ишларни давом эттириш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини механик тарзда кўпайтирмасдан, амалдаги ташкилий бўғинлар, муҳим бўлинмаларнинг бирлашиши, функционал қайта бўйсунитиши ва шу кабилар орқали уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаган ҳолда, Республика ташқи иқтисодий фаолият бошқаруви механизминини такомиллаштириш;

- республика бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ва махсус ваколатли ташкилотлар томонидан бошқариладиган ташқи савдо фаолиятинини ахборот билан таъминланиши учун умумдавлат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланишида турли хилдаги хавфлардан ҳимоя қилувчи савдо ва инвестицияларни давлат томонидан суғурта қилишнинг диверсификацион тизимини ташкил қилиш;

- ташқи иқтисодий фаолият функцияларини ҳокимият шахобчалари, республика ва ҳудудий бошқарув органлари ҳамда тармоқ қоидалари ўртасида аниқ тақсимлаш;

- жаҳон бозорида республика экспортчилари учун қулай шароитларни яратиш ;

иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, ЯИМда моддий ресурслар ва энергия сифимини 2 баробар пасайтириш ҳисобидан мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш орқали иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори даражасини таъминлаш;

- модернизациянинг биринчи навбатдаги объекти бўлиб инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир иқтисодий тузилмалар, давлат таълим стандартларига риоя қилиш, инновация инфратузилмалари ривожланиши учун зарур бўлган қулай инвестицион муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш элементлари бўлиши лозим;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини инобатга олган ҳолда ўта янги маҳсулот турлари ва юксак технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш; саноат ишлаб чиқариши, биотехнология, информатика ва нанотехнологиядаги янги кашфиётларни қўллашга асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқ ва соҳаларида катта салоҳиятга эга бўлган энергия ва сув тежайдиган технологияларни жорий этиш;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашувини чуқурлаштириш, унинг ташқи иқтисодий бозор конъюктурасига боғлиқлигини пасайтириш учун ташқи бозорда рақобатдош тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобидан экспорт таркибини диверсификация қилиш;

- мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетик балансини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, чунки иқтисодиётнинг энергия таъминотида табиий газнинг улуши меъёрдан анча юқори бўлгани учун истиқболли энергия

тежайдиган технологияларни фаол ишлаб чиқиш ва халқаро миқёсда айирбошлаш, энергиянинг муқобил манбаларидан кенг фойдаланиш зарур

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Адолат, 2004.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Адолат, 2004.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1717-сонли “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури. 2012 йил 27 февраль.
5. 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ-1442., 15.12.2010 й.
6. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 07.02.2011 й. № ПҚ-1474.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони.
8. “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 9 сон – 2010- 9 март.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашнинг таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // “Туркистон”, 2007 йил 19 май.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1994 йил 20 апрель, ПФ-837-сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари

16. О мерах по дальнейшему развитию и модернизации предприятий текстильной промышленности и расширению производства отечественных

непродовольственных потребительских товаров на 2009-2011 годы: Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 августа 2009 года № 236 //Собрание законодательства Республики Узбекистан – 2009. - № 34. – 372.

17.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби” тўғрисида Қарори//Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 54 – сон, 1999 декабр. – Т.:Ўзбекистон. Адлия вазирлиги., 2000.-15-20 б. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ. 1999 йил 5 февраль. – Т.:Ўзбекистон, 1999.- 92 б.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

18.Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Туркистон, 2013 йил 19 январь.

19.Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.

20.Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

21.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Ўзбекистон”, 2010 йил 12 ноябрь (№ 220).

22.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

V. Дарсликлар

23.Алимов А., Ҳамедов И. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. - Т.: ЎАЖБНТ Маркази, 2008, - 491 бет.

24.М.Смитиенко, В.К.Поспелов, С.В.Карпова и др. Внешнеэкономическая деятельность. Учебник. - М.: Академия, 2009. - 304 с.

25. Долгосрочные сценарии внешнеэкономической стратегии России /Под общ. ред. С.А. Ситаряна. – М.: Книжный дом ЛИБРОКОМ, 2009.–480с.

26.Глобализация мирового хозяйства: Учебник. /Под ред. М.Н. Осьмовой. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 376 с.

VI. Ўқув қўлланмалар

27.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт.-2011.–376 б.

28.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт.-2010. – 281 б.

29.Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистоннинг 19 йил мустақил тараққиёт йўлида жамиятни модернизациялаш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг дадил одимлари ва муваффақиятлари: талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик билан учрашувларда фойдаланиш учун

ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий мавзуда илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. - 148 б.

30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 146 б.

31. Ж.Жалолов, И.Ахмедов, И.Нематов, Т.Акрамов. Ташқи иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011. - 198 б.

32. Маховикова Г.А., Павлова Е.Е. Внешнеэкономическая деятельность. Учебное пособие. – М.: Эксмо, 2009. – 320 с.

33. Маркетинг в отраслях и сферах деятельности. /Под ред. Проф. В.А. Алексунина. Учебное пособие. – 4-е изд., перераб. И доп. – М.: Дашков и К°, 2009. – 342 с.

34. Назарова Г. Г., Маҳмудов Н. Н. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” Т. ТДИУ 2006.

VII. Статистика тўплamlари маълумотлари

35. Инвестиции республики Узбекистан 2010. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 148 с

36. Промышленность республики Узбекистан 2010. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 156 с.

37. Сельское хозяйство Узбекистана 2010. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 160 с

VIII. Интернет сайтлари

38. www.gov.uz–Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали

39. www.press-service.uz–Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти

40. www.mfer.uz–Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти

41. www.UzA.Uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти
42. www.review.uz – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти
43. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти
44. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали
45. www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти
46. www.vip.lenta.ru – Интернет нашриёти
47. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери